Сирожиддин САЙЙИД

# ҚИШ ОРТИДАН КЕЛГАЙ БАҲОР...



* * *

Менинг шоирлигим — орзу,
фалакдин гар талаб қўйса,
Сочиб кўнглимга ой нурин,
қуёш ҳам ўт қалаб қўйса.

Бериб гулханлигин гулхан,
очиб гулшанлигин гулшан,
Яна гул ғунчалар таъзим
билан сатрим силаб қўйса.

Дилимдан бошланиб созлар,
эл ичра қилса парвозлар,
Тераклар титрабон кетса,
чинорлар қалтираб қўйса.

Менинг қарзим — назарлардан,
ёшим тўккан мозорлардан,
Ки мен зирқирадим доим,
биров ҳам зирқираб қўйса.

Чаман ичра ўзи ҳам бир
атиргулдай бўлиб қолгай,
Дилимнинг қонига булбул
қанотин гар булаб қўйса.

Узун тунларда бедорлар,
бу дилбарлар, бу дилдорлар,
Кўнгил қўйса, бу — дил берса,
бу — юз қўйса, бу-лаб қўйса.

Менга ханжар билан шамшир
тиғига ҳаргиз ҳожат йўқ,
Узун мижгонларини гар
нигорим бир қадаб қўйса.

Куйиб саҳрога айлансам,
яна дарёга айлансам,
Ки Фарҳод бирла Мажнун ҳам
бу ким деб бир сўраб қўйса.

Демангким, мен сухан ёзгум,
ки шеърмас, бир Ватан ёзгум,
Уни мен тан батан ёзгум,
баҳори эркалаб қўйса.

Зиё қолсин деб инсонлар
чекар заҳматлару жонлар,
Менинг ҳам бу умрларда
изим бир яркираб қўйса.

Ажаб ҳою ҳаваслардир
азалдан шеъру шоирлик,
Уни олам ювиб оқу,
бутун олам тараб қўйса.

На бўлғай менга ҳам имлаб,
мени ҳам бир набирам деб,
Қиёмат тонгида бобо
Навоий бир қараб қўйса.

## «ИЛТИМОС, СУЯНМАНГИЗ...»

Илтимос, суянмангиз.
Сўзларнинг ҳурматини
Сақлангу сансирамант.
Елкалари яғирдир,
Сизмас, унга оғирдир,
Илтимос, суянмангиз,
Дунёнгиз ҳансираган.

Илтимос, суянмангиз,
отангиз ҳолдан тойган,
У сизни суйиб, суяб
еткизди камолотга.
Бирор зот қолмаганда,
одамзот қолмаганда,
Мозорларга ёш тўкинг,
суянманг жаҳолатга.

Ниш чиқарган куртаклар
ғўраларга айланар,
Бирга ўсган жўралар
тўраларга айланар.
«Дўстлик бору дўстлар йўқ».*
дош беринг, куйинмангиз,
Душманга ҳам суянманг,
дўстга ҳам суянмангиз.

Йиллар бўяр бошларни
тирикликнинг қорига,
Қайғу келса — ғам чекманг,
бахтига — суюнмангиз.
Илтимос, суянмангиз
қаллобларнинг зўрига,
Каззобларнинг зарига,
илтимос, суянмангиз.

Мардлик бору мардлар йўқ.
Рост келган оятларда,
Мардларга ҳам суянманг,
суянманг номардларга.

Инсонлари паст кетса
муттаҳам бу дунёнинг,
Бобораҳим Машрабнинг
бир сатрига суянинг.

Разолатнинг қўлини
доллартўра ҳалоллар,
Нокасларда ранг бўлмас
қанчалар бўянмангиз.

Менинг гул чаманимга
керак эмас даллоллар,
Илтимос, суянмангиз!

Ҳаёт надир — бир умр
айрилмоқ ҳам куйинмоқ,
Шоҳ Бобур айтгандайин
ўз қалбингга суянмоқ.
Баъзан иши тушмишдир
тўнғизларга туянинг,
Майсаларга суянинг,
кўнғизларга суянинг.

Бу юртнинг кеча-кундуз
далалари бедордир,
Кетмонларга суянган
сингилларингиз бордир.
Курсиларда ястаниб,
ястаниб бўйламангиз,
Сингиллар меҳнатига,
илтимос, суянмангиз.

Сизни улғайтиргандир
сувлари, шамоллари,
Унинг ой-қуёшлари,
тераклари, толлари.
Заҳматларин чекмоқдан
ор этманг, уялмангиз,
Ватанга таянч бўлинг,
Ватанга суянмангиз!

* Асқад Мухтор сатри

## ТИРИКТЕПА

*Жаноб Като Кюдзога*

Сурхон тупроғида бир ёпон бобо,
Ёпон бобоми ё бир чўпон бобо,

Тепаликлар ошар, ўру қир ошар,
Кўҳна қўрғонларга қоришиб яшар.

Ҳар сопол синиғин пуфлаб, сизлайди,
Неча йиллардир у нени излайди?

Менинг қўнғиротча
лафзим англагай,
Термиз десам, дарров
таъзим айлагай.

Бу қумлар, қалъалар —
тиллардир, дейди,
Сопол синиқлари —
диллардир, дейди.

Айтар: бир бўлгандек эзгу ниятлар,
Асли бир бўлгандир маданиятлар.

Оёқ остига ҳам назар қилсинлар:
Бир қум заррасида қанча тилсимлар.

Оламни тенг бўлган, эй соҳиб олам,
Тамаддун олами на ғойиб олам?

Қанча Искандарлар, Кирлар кўмилмиш,
Бунда минг асрлик сирлар кўмилмиш.

Гарчи Бақтрия, гарчи Ёпондир,
Дунё ҳам аслида эски чопондир.

Тарих тегирмони тўхтамас бироқ,
Бобонинг эгни чанг, уст-боши тупроқ.

Ўзи ҳам ер қаърин йиқиб келгандай,
Далварзинтепадан чиқиб келгандай.

Қадим аждодларнинг жисмидай гўё,
Ҳозир Холчаёндан чиқмиш бу бобо.

Тандиркабоб билан уни тўйғиздик,
Оқсоқолга дўппи, чопон кийгиздик.

Қадду қоматию ҳам қисиқ кўзи
Худди Жовлимурод бобонинг ўзи.

Бекорчи гапларга ҳушим йўқ дейди,
Кечиринглар мени, ишим кўп дейди.

Беҳаловат бу жон, тинчимас тана
Дўнгликлар қўйнига шўнғийди яна.

Тепалар қаъридан ахтарар зиё,
Ўзи ҳам бир тирик тепадир гўё.

* * *

Кипригингга қор қўнибдир,
қошларинг устида қор,
Юзларингдан қорга ҳам
не бахтиёрлик, эй нигор.

Зулфларинг узра илашган
оқ хаёлимдир менинг,
Ярми олам оқ хаёлдир,
ярми олам оқ ғубор.

Қора холинг узра ҳам
тушмиш ажиб гулгинаси,
Нуқта бирлан нуқта гўё
учрашибдир интизор.

Сўйласам киприкларингдан
орамиз йилларчадир,
Ушбу қорнинг шарҳи мен
торттан у ҳижронларча бор.

Сен қизил гул бирла қорнинг
оқ ҳарир рақсини кўр,
Лабларин очгайми ёр,
ё лабларин ёпгайми ёр.

Икки қумри бир-бирига
мунғаяр шохлар аро,
Иккиси ҳам икки ҳижрон,
икки дилдир, икки зор.

Ёр ёрлик қилмаса гар,
кетса қордай чарх уриб,
Эй кўнгил, ўксинмагил,
қиш ортидан келгай баҳор.

# ПЕШВОЗ ЧИҚ БИР ДАСТА АТИРГУЛ БИЛАН



Арофат УСМОНОВА

* * *

*Эрта ё индинга қайтиб бораман,*
*Азизим, қушдайин учиб ёнингга.*
*Сўнг шартта ҳижронни лойга қораман*
*Ва таскин айтаман жисму жонингга.*

*Соғиндингми мени?*
*Юрагинг нотинч,*
*Сени ҳам изтироб сил қилса керак!?*
*Менга ҳам ҳеч тинчлик бермайди соғинч,*
*Муштоқ юракларда ҳислар муштарак.*

*Азизим, не қилай, нималар қилай?*
*Жамолинг кўзимдан нари кетмайди.*
*Тангримдан ёлвориб васлингни тилай,*
*Бошқа ҳеч нарсага ҳаддим етмайди.*

*Фироқ деб аталмиш азалий аёр*
*Чекинди,*
*Ёнингга ошиқадирман.*
*Пешвоз чиқиб тезроқ йўлларимга, ёр,*
*Кутиб ол бир даста атиргул билан!*

* * *

*О, менинг мунаввар баётим,*
*Борлиғим маҳв этар хаёлинг.*
*Ҳижрон кўз-кўз этар атайин,*
*Қалбимга чўғ солган жамолинг.*

*Қошингга бош эгиб борайми,*
*Унутиб аразу гинани?*
*Биламан, барибир ҳеч бир қиз,*
*Мендайин севмас сенгинани.*

*Лек ғурур йўлимга ғов бўлиб,*
*Тиконлар сочади ҳар нафас.*
*Мен барча ёвларни енгаман,*
*Унгача...*
*Сен мени кутсанг бас!!!*

* * *

*Тушимда кўргандим, Сизни, азизим,*
*Замин узра сиз, мен ва сўнгсиз денгиз.*
*Кўзимга тикилиб турдингиз бир зум*
*Ва «Ёнингга албат боргум», дедингиз...*

*Кутаяпман сизни...*
*Келмайсиз ҳамон...*
*Ўтди неча баҳор, ўтди неча куз.*
*Илк изҳор тотини унутмай тамом,*
*Ўзгани севишга ҳаққим йўқ ҳануз!!!*

* * *

*Ҳиёнатнинг берк кўчалари,*
*Қандоқ сиздан чиқиб кетайин?*
*Ҳаловатсиз тун кечаларим,*
*Дастингиздан...*
*Айтинг, нетайин...*

*Ҳалоскорим, қийналдим ёмон,*
*Олиб кетинг бу шабистондан.*
*Гуноҳларим кечириб бу он,*
*Паноҳ беринг кавкабистондан.*

*Йўлчи юлдуз бўлинг менга сиз,*
*Кетай хиёнатнинг кўшкидан.*
*Йиғлай, пойингизга чўкиб тиз,*
*Гуллар унсин тўккан ашкимдан.*

*Тангрим кечиргувчи*
*Лекин сиз,*
*Мен осийни кечирасизми?*
*Ёнингизга қайтса гулингиз,*
*Бағрингизга яширасизми?!.*

**Бобур номидаги халқаро илмий экспедициянинг навбатдаги сафари Афғонистон заминида яшаб ўтган улуғ аждодларимиз ҳаёти, илмий-ижодий фаолиятини тадқиқ этиш, уларнинг қадамжоларини ўрганишга бағишланди. Экспедиция аъзоси, ёзувчи Қамчибек Кенжанинг ана шу сафар таассуротлари асосида ёзган асаридан бир бобни эълон қилаяпмиз.**

Сафарнома

Қамчибек КЕНЖА

# БУЮК АЛЛОМАНИНГ МАНГУ ОРОМГОҲИ

Ҳожи Асадулло Холид оқшомги емакхонада нонушта берди: нон, улкан термосда чой, қаймоқ, шакар, олма мураббоси...

Ҳоким биз билан кейинроқ идорасида учрашмоққа ваъдалашиб кетди. Биз ўзимизни бироз тартибга келтириш билан машғул бўлдик.

Қароргоҳ ҳовлисидаги асфалтланган майдонда ғизолча (менимча, кийикларнинг жайрон турига мансуб) емиш излаб у ёқдан бу ёққа тентирарди. Бир гиёҳ йўқ тўрт девор ичига тушиб қолгани учунми, ориқ, нимжон туёқчалари ҳам шу қадар ингичкаки, юрганида чалишиб-чалишиб кетарди. Қўлимизни чўзсак, иккиланиб, оҳиста келади ва сал нарида тўхтаб, ҳуркибгина тумшуқчасини чўзади. Кафтимиздаги нон бўлакларини жажжи лабларига қисиб, майда, маржон тишларида қисирлатиб чайнай бошлайди. Бу гўзал ҳолат, латиф манзара юракларни увиштиради...

Ҳа, онасидан, ўз қавмидан айрилган бу ўксик жайронгина чиндан-да эркалашга муҳтож, меҳрга зор эди. Қаншарининг икки ёнидаги қорамтир йўл бир қарасангиз ўзининг табиий белги-холига, бир қарасангиз жола изларига ўхшаб кўринарди.

«Бобурнома»да «Ғазнининг оқ кийиги ва қулони бўлур. Ғазнининг оқ кийигича семиз кийик кам ерда бўлғай», дейилган. Балки мана бу рамақижон оҳу боласи «Қизил китоб»дан жой олган ўша кўркам, хушсурат, қоп-қора қароғидан бошқа гуноҳи бўлмаган бокира жониворларнинг ноёб, энг кенжа авлодидандир...

Умуман, «Бобурнома»да Ғазни теварагида юз берган, муаллифнинг шахсий ва шоҳлик ҳаётига дахлдор хийла воқеалар баён этилган. Жумладан, Бобур Мирзо бўлажак аҳли аёлларидан бири, Султон Аҳмад Мирзонинг қизи Маъсума Султон бегим билан илк бор Ғазнида кўришиб, суҳбат қурган эди. Дарвоқе, шу ўринда Заҳириддин Бобурнинг яна бир ибратли хислати намоён бўлганини кўрамиз. Катта бир юртни эгаллаш, подшолик мақомига эришиш арафасида турган ҳукмдор ўз қариндоши ризолигини сўраб ўтирмаслиги ҳам мумкин эди, зеро, қизининг онаси ҳам шундай ниятда эди. Аммо жўмард, танти Бобур алоҳида учрашув тайин этиб, амакиваччасида ўзига нисбатан чиндан-да майл борлигига ишонч ҳосил қилгандан кейингина уни ўз никоҳига олади.

«Хатти Бобурий»нинг яратилиши ҳам Ғазни фатҳидан кейинроқ, Кобул қўлга киритилган даврларга тўғри келади. Ажабки, Бобур «Бобурнома»да жангу жадаллар, кундалик воқеа-ҳодисалар, кишиларнинг феъл-атвори, табиат ажойиботлари, дов-дарахтлару ўсимликлар, ҳайвоноту паррандалар борасида эринмай маълумот, изоҳлар бергани ҳолда, азбаройи камтарлик юзасиданми, ўзининг турли соҳаларни тадқиқ этишга бағишланган йирик-йирик насрий асарлари, ғазал ва бошқа назмий ижоди хусусида батафсилроқ маълумот беришни, баъзида умуман тўхталишни лозим кўрмайди. Жумладан, ҳижрий тўққиз юз тўққизинчи (1503-1504) йил тафсилотларини ўз ичига олган саҳифаларда «ушбу маҳалларда Бобурий хатини ихтиро қилдим», деган бир жумла-хабар билан кифояланади.

Ғазнига бир қанча муддат Жаҳонгир Мирзо, кейин Носир Мирзо ҳоким бўлиб турган. Дарвоқе, Бобур олижаноблигининг поёнсизлигини қарангки, ўгай иниларини бирга олиб юриб, ҳамиша қўллаб-қувватлар, илкига тушган мулклардан уларга инъом этар эди. Масалан, Кобулни олгандан кейин вилоятни тақсимлар экан, Нингнаҳор туманини, Мандровир, Дараи Нур, Кунру, Нургил ва Жиғонсаройни Носир Мирзога иноят қилади. Кейинроқ бу ландовур шаҳзода тасарруфига Қандаҳорни, сўнгроқ Ғазнини беради.

Бироқ ношукур Носир Мирзо оғаси илтифотларидан қаноат ҳосил қилмай, ўзини ҳар ёққа ташлаб, кўп номаъқулчиликларга йўл қўяди. Масалан, унга Қандаҳор вилояти берилганда, яна умумий ўлжадан юк ортилган тева ва оқ тангаларни изнсиз олиб қолади. Ҳолбуки, Қандаҳорни қўлга киритиш Бобурга анча қимматга тушган эди. Ғоят бесарамжон даврлар бўлиб, кетма-кет жанглар ва бошқа нохуш ҳодисалар кўп юз берган эди. Шунга қарамай, қалби дарё, укалари ва бошқа жигарларига ўта ғамхўр ва меҳрибон Бобур Носир Мирзони авф қилади, унинг қилмишини юзига солмай, яна мурувват кўрсатишда давом этади. «Яхшилиқ» ғазалининг яралишида Носир Мирзо ва у кабиларнинг ҳам «хизмати» катта бўлган бўлса ажабмас!..

Хуллас, ўша ушоққина, уволгина ғизол бизга анча эрмак бўлди. Бирга суратларга тушдик. Кейин жажжи дўстимиз билан хайрлашиб, шаҳарга чиқиб кетдик.

Эрталаб мезбонларимиз бизни бир олим билан таништиришди. Ҳожи Абдураҳмон исмли бу шахс норғул, мошгуруч соқоли анча қалин, тахминимча, олтмиш ёшларда эди. Кейин билсак қирқ олти ёшда экан.

Кун чиқишга қараб кетдик. Шаҳар тугаган жойдан, йўлнинг чап томонида эски, баланд қалъа бошланади. Кўча тор эди. Хайриятки, кўп юрмадик. Маҳалла ичидаги чап ёғи пахса девор, ўнги ташландиқ хиёбонга ўхшаш жойда тўхтатдик. Йўл билан хиёбонни таг қисми тош, ўртаси ғиштдан ва тепаси лойдан урилган пастаккина девор ажратиб турарди. У кўҳна қўрғон қолдиқлари бўлса керак.

— Бу ер бир вақтлар Боғи Беруний номи билан юритилган, — дейди ҳожи Абдураҳмон Ҳакимий.

У Ғазнининг эски шаҳар ҳудудида таваллуд топган бўлиб, кўп йиллар дорилфунунда тарих, фалсафа куллиётининг ҳуқуқ бўлимида муаллимлик қилган. Гап-сўзларига қараганда, Ғазни тарихини ҳам, Абу Райҳон Беруний ҳаётини ҳам яхши биларди.

Хиёбоннинг девор билан туташ қисмидаги юзаси чангиб ётган супада икки дўнг — икки уюм тош бор эди.

Зокиржон ака, Муҳаммад Содиқ ва Фаррух Беруний қабрини дарҳол танидилар — кун ботиш тарафдаги бир уюм тош ул зоти шарифнинг мангу хобгоҳига тегишли эди, буни Ҳакимий ҳам тасдиқлади.

Уюмлар синиқ мармар парчалари, муштдай, ундан майдароқ оддий тошлардан иборат эди. Супа жанубида, беш-олти чорпоя ўрнича майдонда ўриб олинган буғдой поялари қолган, яна озроқ ерга беда экилган, хиёбоннинг қолган катта бўлагида турли кўкатлар ўсиб ётарди. Яна жануброқда, кўкатзорлар нарисида эски уйлар кўринади. Кун чиқиш томонда гилос, тут дарахтлари, улар орасида қандайдир тепалик кўзга ташланар, ғарбий қисм эса мевали-мевасиз қуюқ дарахтзор эди.

Ҳар иккала қабрнинг бош қисмига яшил туғли таёқ санчилган бўлиб, туғлар учига ялтироқ тунукадан ясалган, балиқ овланадиган санчиқни эслатувчи беш панжа маҳкамланган эди. Ўнгдаги қабрнинг кимга мансублиги билан қизиқдик. Ҳожи Абдураҳмоннинг айтишича, Беруний қабри устида жуда кўркам, салобатли мақбара бўлган. Илму фан аҳлини унча жини суймайдиган, маънавиятдан узоқроқ ҳукмдорлар даврида инглизлар иштирокида Афғонистон заминида дафн этилган улуғ инсонлар — илму маърифатнинг даҳо сиймолари марқадлари аёвсизларча бузиб, қўпориб ташланган, жумладан, Абу Райҳон Беруний сағанаси ҳам.

— Мана бу мармар синиқлари Беруний сағана тошидан қолган, — дейди Ҳакимий қабрнинг оёқ тарафидаги қиррали тошларга ишора қилиб. — Афғонистон подшоҳи Зоҳиршоҳ буйруғига биноан, Беруний дафн этилган ерни топиш мақсадида шу жой кавланган — қабртош ҳам тупроқ остида қолиб кетган эди. Мен донишгоҳда муаллим эдим, қазув-қидирув ишларида шахсан иштирок этганман. 1351 ҳижрийда ЮНЕСКО томонидан Абу Райҳон Беруний қабрини аниқлаш учун махсус комиссия тузилган эди. Ўшанда қабр ичидан ортиқча суяклар чиққан. Беруний шогирдларидан бири жасадининг устози ёнига қўйилгани тўғрисидаги гапларга асосланиб, ана шу сўнгакларни алоҳида лаҳад қазиб кўмганмиз.

Беруний қабрининг топилиши тарихи ва иккинчи қабрнинг кимга мансублиги борасида бошқача мулоҳаза-маълумотлар ҳам бор. Геолог Умматали Усмоновнинг «Фан ва турмуш» журналининг 1987 йил 10-сонида эълон қилинган «Беруний қаерга дафн этилган?» сарлавҳали мақоласида ғазнилик инженер Гулаҳмаднинг ушбу ҳикоясида келтирилади:

«Ҳовлининг эгаси девор урмоқчи бўлиб лойхона қилаётган чоғида кетмон қаттиқ бир тошга урилади. У кавлаб тошни олиб ташлайман деса, у оддий тош бўлмай, мармар тахта экан, унда араб ҳарфлари билан ёзилган ёзув ҳам бўлади. Лекин у на афғон, на форс тилида бўлганлиги сабабли уй эгаси ва қўшнилар ўқий олмай, шаҳар маъмурларига мурожаат этишади. Маъмурлар мазкур ёзувни Кобулдаги олимларга кўрсатишади. Олимлар узоқ ўрганишгандан сўнг, шу тош топилган жой улуғ ва мутафаккир олим Беруний дафн этилган жой, бу тош эса Беруний қабрига қўйилган эсдалик тошнинг бир қисми, деган фикрни айтишади. Шундан кейин шаҳар маъмурияти қарорига биноан, Беруний қабри топилган ҳовли «тарихий ёдгорлик»ка айлантирилади».

Гулаҳмаднинг айтишича, Беруний қабрининг ёнидан яна бир қабр чиққан, унинг лавҳасида «бу ерга Мавлоно Берунийнинг ошпази дафн этилган», деган ёзув бўлган...

Далилларнинг қай бирига ишонмоқ керак? Маълумот берувчиларнинг ҳар иккиси ҳам Беруний яшаган ва дафн этилган Ғазни шаҳрининг ҳақиқий фуқаролари, илмли кишилар. Журналдаги мазкур мақолага муаллиф ўз кўзи билан кўрган, мармардан дурустгина сағана тоши қўйилган бири катта, иккинчиси кичикроқ қабрларнинг расмини ҳам илова қилган. Бу Ғазни шаҳар маъмуриятининг Беруний қабри топилган ҳовлини «тарихий ёдгорлик»ка айлантириш ҳақидаги қарори ва унинг ижросига далил бўла олади.

Муаррих Абдураҳмон Ҳакимийнинг сўзларига қараганда, ўшандан кейин Зоҳиршоҳ Беруний боғини ободонлаштиришга фармон берган ва боғ ободонлаштирилган. ЮНЕСКО раҳбарлари Беруний мақбарасини тиклашга ваъда беришган, лекин бу иш амалга ошмасдан қолиб кетган. Чунки вазият, сиёсат ўзгарган.

Устод муаррих, шунингдек, Султон Маҳмуднинг илму урфонга катта аҳамият бергани, сарой атрофига зиё аҳлини йиғишга ҳаракат қилгани ва ўша даврда Ғазнининг гуллаб-яшнагани тўғрисида жўшиб гапирди. «Арусил фалак» номли Ғазни масжидига уч юз элликдан зиёд шоиру фузало, олиму уламо тез-тез тўпланиб, баҳсу мушоиралар ўтказишганини алоҳида таъкидлади.

Умуман, Ҳакимий хийла билимдон, маънавиятпарвар, юртпарвар олим экан. Баҳромшоҳ давридаги бир ғаройиб воқеани сўзлаб берди.

Аловиддин Жаҳонсўз Ғурий Ғазнини эгаллаш мақсадида (1455 йили) укаси Сафидинни қўшинга қўмондон қилиб юборади. Баҳромшоҳнинг одамлари Сафидинни тутиб олиб, қатл этадилар. Бундан ғазабга минган Аловиддин Жаҳонсўз: «Ғазни шаҳрини вайрон қиламан, одамларини ёппасига тиғдан ўтказиб, қонини оқизаман!» деб қасам ичади. Шунда ака-ука Хожа Абдусалом ва Хожа Абдусамад исмли икки мўътабар зот Аловиддиннинг ҳузурига бориб, қасамингизни бажо этиш учун иккимизнинг қонимизни тўксангиз-у, шаҳарга ҳужум қилмасангиз, дея илтижо қилишади. Уларнинг ўтинчлари инобатга олинади. Қатл пайтида ака-укалардан бири кулиб, иккинчиси йиғлаб туришган экан. Шунинг учун уларни халқ ҳозиргача Хожа Хандон ва Хожа Гирён деб эслаб, гапириб юраркан.

Оға-ини қатл этилган жой ҳозир зиёратгоҳ. У ерда ўша ака-укалардан қолган тегирмон ҳам бор, дейишди. Ватанпарварлик, халқпарварлик музейига айланган ўша қатлгоҳни жуда-жуда кўргим келди-ю, лекин бунинг имкони йўқ эди. Зеро, мақсадимиз Ғазнига бориб, Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Ғазнавий ва бошқа алломалар қабрини зиёрат этиш, улар ҳақида зарур маълумотлар тўплаш эди.

Беруний дафн этилган жойдан қайтар эканмиз, улуғ алломанинг мангу оромгоҳи келажакда у зотнинг хотирасига муносиб зиёратгоҳга айланишини чин дилдан илтижо қилдик.




С.МАҲҚАМОВ бисотидан.

# СУЛТОН ЧАҚМОҚБЕКНИНГ ИХЛОСИ

## «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн»дан

Боши иккинчи бетда.

Таом мажлисидан фориғ бўлгандан сўнг элчи тўла эъзоз-икромлар билан ўз висоқига қайтди. У ҳафтада икки марта боргоҳга шийлон[4] учун келиб, иноят назарига манзур бўлиб турди. Подшоҳзодалар: мирзо Муҳаммад Жўкий баҳодир, мирзо Алоуддавла ва мирзо Абдуллатиф элчини таклиф этиб ҳар бирлари катта тўйлар бердилар ва чопқир отларни зарнигор эгарлар билан, шоҳвор қимматбаҳо жомаларни камёб тухфалар билан совға қилдилар, элчи бирор дақиқани ҳам риоят ва иноят расм-русумларисиз ўтказмади. Улуғ амирлар: амир Алоуддин Алика кўкалтош, амир Жалолуддин Ферузшоҳ ва дастури Аъзам Хожа Ғиёсуддин Пир Аҳмад элчини ўз висоқларига таклиф қилдилар ва зўр такаллуфлар билан катта тўйлар бериб, от, жома ва бошқа совғалар тақдим этдилар.

Элчи аъло тахт поясига етишган вақтида амирлар воситачилигида: «Султон Чақмоқ уфқлар султони (Шоҳрух)нинг кутубхонасидан бешта китобни илтимос қилади, ва умидвордирки, онҳазрат иноят кўрсатиб Шайх Абу Мансур Мотуридийнинг «Таъвилоти аҳли сунна», Имом Фахруддиннинг «Тафсири кабир», «Шарҳи Талхиси Жоме», Мавлоно Алоуддин Паҳлавоннинг «Шарҳи Кашшоф» ...... китобларини[5] (совға қилсалар)», деб арзга етказган эдилар.

Онҳазрат элчининг илтимосига ижобат қилди ва бу китобларнинг[5] барчаси мавжудлигига қарамай, ҳаммасини китобат қилишга буюрди. Китоблар жилд ва жадваллар билан муҳайё бўлди.

Ҳазрат хоқони саъид катта бир тўй ташкил этишга ишорат қилди ва элчи ҳам унинг ҳокимига атаб инъом ва совғалар тайинлади. Улуғ амирлар ва номдор сардорлар ер юзининг подшоҳи (Шоҳрух)нинг ҳумоюн мажлисини ташкил этиш ва безатишга киришдилар ҳамда султонлар паноҳи бўлган даргоҳда бир байрам мажлисини безатдиларки, осмон ёмон кўзни дафъ қилиш учун унинг тепасида гир айланар ва жаҳонни кўрган сипеҳр минглаб кўзларини тикиб, унинг тамошосидан ҳайрон ва саргардон эди. Улуғ амирлар ражаб ойининг ўн саккизинчисида 1439 йил, 25 декабр) элчини ҳумоюн мажлисга ҳозир қилдилар. Онҳазрат унинг борасида турли-туман инъомлар ва хилма-хил иззат-икромлар кўрсатиб, беш минг динор нақд пул инъом қилди, хос совғалар, мукаммал ясатилган отлар берди. Унинг элликта навкарининг ҳар бирига эса биттадан от, жома ва минг динордан нақд пул улашдилар. Сўнгра элчига ижозат бериб, Миср мамлакати томон жўнатдилар.

Элчи қайтишга ижозат олиш вақтида: «Султон Чақмоқ бу бандага: «Ҳазрат (Шоҳрух)нинг бандалари рухсати билан тўртта шаҳарни кўриб, уларнинг аҳвол ва авзоини маълум қилиб, менга сўзлаб берасан», деб буюрган, у шаҳарлар — Шероз, Исфаҳон, Язд ва Кошондир», деб арз қилган эди, ҳазрат хоқони саъид унинг илтимосини қабул қилиб, у тўрт шаҳарни тўла тартибга солсинлар, шаҳарларни безатсинлар, деб буюрди. Элчига у шаҳарлардан тўрт минг динор кепакий инъом буюрдилар. Онҳазратнинг муқарриби, хос кишилар орасида камоли эътиборга эгалиги билан ифтихорли, мулк ва молга тегишли ишларда сўзи батамом таъсирли бўлган мавлоно Ҳисомуддин Муборакшоҳ парвоначини ҳазрат хилофот (Шоҳрух) элчиликка тайин қилди ҳамда Миср султони учун подшоҳона тухфалар, хусравона ҳадялар ва у сўраттиргани бешта китобни мазкур мавлавий орқали жўнатди; то Фирот суви канноригача бўлган вилоятларнинг ҳокимлари номига офтобдек таъсирли ҳукмлар жўнатилиш шарафига етди. Элчилар керак-яроқларни ҳозирлаб, ишларини саранжомлаб, фармонга мувофиқ Миср ва Шом мамлакатлари сари равон бўлдилар.

### *Саккиз юз қирқ еттинчи(1443-1444) йил воқеалари*

...(Хоқони саъиднинг) баландпарвоз ҳимматининг ҳумо қуши ҳамиша ҳожатмандлик юзасидан Байтуллоҳни ёпмоқ учун Ҳижоз томонга жома юбориш истагида парвоз қилар, аммо бу иш Миср султонининг рухсатисиз амалга ошмай келар эди. Саккиз юз қирқ учинчи (1439-1440) йили эса Миср султони бир элчи юборган ҳамда ўз ихлосини тегишлича изҳор этган эди. Энди эса ҳумоюнхотир (Шоҳрух) у (Миср султони)нинг ҳузурига бир элчи юбориб, уни ўз нурли замиридаги истакдан хабардор қилишни лозим деб топди. Мулк ишлари бўйича соҳибихтиёр бўлган амир Жалолуддин Ферузшоҳ муртазойи аъзам Саййид Шамсуддин Муҳаммад Замжийни элчиликка тайин қилди. У (Саййид) жуссаси кичигу ақли катта, иш оқибатини кўра олувчи, кўпчилик манфаатини кўзловчи, ширин тил ва нозикбаён киши эди.

Мазкур муртазо (Саййид) сафар асбобларини муҳайё қилиб, у узоқ масофани андак фурсатда босиб ўтди. Ҳалаб чегарасидан Миср ташқарисигача бўлган ерларда султон фармонига мувофиқ риоят ва яқинлик бобида нимаики мумкин бўлса, барчасини адога етказдилар. Султон ўз яқинларидан бир тўдасини кутиб олиш расми бўйича йўлга чиқарди ва ўз лутф-марҳамати борасида хушхабар етказиб, иноятидан умид туғдирди. Саййидни хуш чеҳра билан қаршилаб, яхши савол-жавоб қилди; ҳазрат хоқони саъиднинг аҳволи ҳақида сўради ҳамда муҳаббату дўстлик ва иродату эътиқод изҳор қилди, Саййид олиб келган нишон-хатни тўла ҳурмат билан сўраб олди ва мазмунини тушуниб етгач: «У ҳазрат ҳар қачонки Байтуллоҳ жомасини юборса, жомани тегишли ўрнига етказмоқ учун султон тўла саъй-ҳаракат кўрсатгусидир», деб қабул қилди; Саййид Муҳаммад Замжийга хилма-хил риоятлар кўрсатиб ва турли-туман иноятлар буюриб қайтиб кетишига рухсат берди, маъқул келадиган мактуб ва тухфалар жўнатди, яхши сўзлар билан баён қилинган хабарлар юборди. Юқорида номи аталган муртазо онҳазрат (Шоҳрух)га мулозамат қилиш саодатига етишиб, у диёр (Миср) хабарларини арз ерига етказди. Булар ҳаммаси ҳумоюн мизож (Шоҳрух)га маъқул тушди. Мисраъ: *Барча шоҳлар жону дилдан унга итоатдадирлар.*



### Саккиз юз қирқ саккизинчи (1444-1445) йил воқеалари

**Жаноб Шайх Нуруддин Муҳаммад ал-Муршидий ва мавлоно Шамсуддин Муҳаммад Абхарийни Мисрга элчиликка юборилганлиги зикри.** Ҳазрат хоқони саъид улуғ муртазо Саййид Муҳаммад Замжийни Мисрга юбориб, Миср подшоҳи Султон Чақмоққа муқаддас Байтуллоҳга либос ёпиш истагини маълум қилганлиги, Миср подшоҳи у ҳазрат (Шоҳрух) қачонки Каъба жомасини юборса, уни (Каъбага) ёпиш маросимини охирига етказмоқ учун тўла саъй-ҳаракат кўрсатишга рози бўлганлиги ҳақида ўтган йил воқеалари орасида ёзиб ўтилган эди. Онҳазрат (Шоҳрух) шундай қаттиқ бетобликдан сиҳҳат топгани бу вақтда у хайрли ният шуъласи унинг офтобтаъсирли дилида жилваланиб, «улуғ амирлар замона акобирларидан Миср мамлакатига элчиликка боришга лойиқ ва Каъбага жома ёпишни уҳдалай оладиган бир кишини танласинлар» деб фармон берди. Бу иш ҳар бир кишининг ҳам қобилияти қоматига тўғри келаверадиган бир кийим бўлмаганлиги учун, амирлар машварат тузишиб, валийсифат жаноб Шайх Нуруддин Муҳаммад ал-Муршидий ва фазилатлар эгаси мавлоно Шамсуддин Муҳаммад ал-Абхарий Миср вилоятига юзлансинлар, деган қарорга келдилар ва бу маънини ҳумоюн арзга етказдилар. (Шоҳрух) буни маъқуллади ва «фармону ҳукмлар ҳам бошқа зарурий нарсаларни саранжомлаб йўлга чиқсинлар», деган олий фармон содир бўлди. (Шоҳрух) фармонига мувофиқ (бундан илгарироқ) дорулибода Яздда Каъба жомасини тайёрлаб Ҳиротга келтирган эдилар ва у жома хазонайи омирада сақланмоқда эди.

Жаноб Шайх ва мавлавий барча керак-яроқларни дил истаган тарзда ҳозирлаб йўлга тушдилар ва у узоқ масофани андак фурсатда босиб ўтдилар. Ҳалаб ва Шом чегараларига етганларида у мамлакат амирларига таъзим шартларини адога етказдилар. Миср ташқарисида Султон Чақмоқ бир гуруҳ яқинларини кутиб олиш расми бўйича истиқболга чиқарди. Улар элчиларни ғоят сертакаллуф бир висоққа келтириб туширдилар. Элчилар учинчи куни султон ҳузурига бордилар. Султон уларни яхши қаршилади, ҳазрат хоқони саъид аҳволини сўради ва у (Султон Чақмоқ)нинг номига битилган нишонни тўла ҳурмат билан олиб муҳаббат ҳам дўстлик изҳор қилди. Элчилар учун кундалик улуфа (озиқ-овқат) таомили бўйича ҳар кунга бир фулурдан пул тайинлади.

Миср ва Шом амирлари орасида ҳазрат Соҳибқирон хонадони ва унинг олийшон фарзандларига нисбатан ҳеч маҳал ишонч ва эътиқод воқеъ бўлмаганлиги туфайли Султон Чақмоқ элчиларни сўратиб уларга тўла эҳтиром кўрсатаётганлиги у диёрнинг улуғ амирлари хотирига оғир келди. Бир куни султон элчиларни саройга чорлатганида элчилар подшоҳ мажлисидан кечикиброқ ташқари чиқдилар. (Шунда) «Султон уларни бандга олишга фармон берди» деган ёлғон овоза оғизга тушиб кетди, авом халқ тўдаси ғавғо кўтариб элчилар висоқига етди, элчиларнинг мол-мулк ва керак-яроқлари тамоман ғоратга учраб, Каъба жомаси турган сандуқлардан бошқа нимаики бўлса, ҳаммаси талон-торожга нишон бўлди.

Бу хабарни эшитгач, султон қаттиқ изтиробга тушиб: «Фитна қўзғатувчилар менинг дўстимни мендан ранжитдилар», деди ва қасам ичиб: «Мен бу воқеадан ҳеч хабардор эмасман, бундай сурат менинг фикрим лавҳасида ҳеч бир нақшланмаган эди», деб айтди. Сўнг элчиларга кўп фулур инъом буюрди ва Ҳижоз йўли сафари учун керак-яроқларни мукаммал тартибга келтирди ва элчиларга ўз хабарчиларини қўшиб жўнатиб икки шариф ҳарам (Макка ва Мадина) ҳокимлари номига энг муболағали ҳукмлар йўллади.

Элчилар у бахтли мақомга етиб бориш саодатига мушарраф бўлгач, муқаддас Байтуллоҳнинг ҳоким ва хизматчиларининг саъй-ҳаракати билан Каъбага жома ёпдилар. Шундай улуғ бир иш ҳазрат хоқони саъид замонида муяссар бўлдики, бу ишга ўтган замонлар султонлари орасида бирор киши муваффақ бўлганлиги камроқ учрайди.

Жаноб Шайх (Нуруддин Муҳаммад) ва мавлавий (Шамсуддин Муҳаммад) ҳаж, умра ва бошқа зиёрат таомилларини бажаришга мушарраф бўлиб ва бу бахтли мақом одобини ўрнига қўйиб Хуросон томон юзландилар ҳамда ҳазрат хоқони саъид хизматига етиш давлатига эришдилар. У ҳазрат икки шариф ҳарам(Макка ва Мадина), муборак Қудс ва Халил ар-раҳмон шаҳарлари, — Оллоҳ уларнинг шараф ва иззатини кўпайтирсин, — аҳволидан савол қилди ва элчиларга лутф-эҳсонлар кўрсатди.

**Форс тилидан**
**Асомиддин ЎРИНБОЕВ**
**таржимаси.**

**ИЗОҲЛАР**

1. **Хоқони саъид,** яъни «бахтли хоқон», Шоҳрух Мирзонинг лақабидир;
2. **Жўчинлар жаргаси,** яъни меҳмон ва элчилар қатори;
3. **Хонсолор** — дастурхончи, баковул;
4. **Шийлон** — зиёфат;
5. Бешинчи китоб номи асар қўлёзмасида мавжуд эмас.

# УНЛИЛАР ҚАНДАЙ ТАСНИФ ҚИЛИНГАН?

*Тадқиқот, ахборот*

Ҳазрат Алишер Навоий унлиларни узун-қисқалиги бўйича тасниф қилган. «Муҳокаматул-луғатайн»да улуғ шоир ёзади: «Тўрки, домдур, яна тўрки андин дақиқроқдурки: қуш ўлтурур йиғочдур ва тўрки, андин дақиқроқдур: уйнинг тўридур ва тўрки, барчадин арикдур: тўрлуғни ё эшикни тўрмак уйдур». Мисоллардан кўриниб турибдики, эски ўзбек тилида тўртта **ў** бўлиб, улар бир-биридан дақиқ, яъни узун-қисқалик бўйича фарқланган. Бу узун-қисқалик шоирларга сўз ўйинлари яратиш имконини берган. Луғатшунос Толи Хиравийнинг кўрсатишича, Алишер Навоий «Сабъаи сайёр» достонида бу фонетик ҳодисадан усталик билан фойдаланган:

**Кўрмади шоҳ муносиб ўлтурмоқ**
**Яқинида буюрди ўлтурмоқ.**

Олимнинг ёзишича, иккинчи мисрадаги «**ўлтурмоқ**»даги **ў** товуши узун талаффуз қилинса **ўтирмоқ**, қисқа бўлса **ўлдирмоқ** маъносини англатади. Демак, эски ўзбек тилида унлилар узун-қисқалик бўйича фарқ қилган ва бу фонетик ҳодиса шоирларга турли хил сўз ўйинлари яратиш имконини берган. Афсус, беш юз йил аввал ёзилган бу маълумотларга зид равишда мустамлакачилик даврида туркий, шунингдек, ўзбек тилидаги унлилар тилнинг иштирокига кўра тил олди — тил орқа, қаттиқ-юмшоқ товушларга бўлиниб ўрганилди. Инчунин, ўзбек тилига сингармонизм деган термин киритилди.

Хўш, унлилар талаффузида тил иштирок этадими? Бу саволга К.Қосимова, С.Фузаилов, А.Неъматова томонидан ёзилган 2-синф «Она тили» дарслигида шундай жавоб берилган: «Унли товушларни айтганимизда ҳаво оғизда тўсиққа учрамай эркин ўтади. Фақат овоз эшитилади».

Модомики, унлилар талаффузида тил иштирок этмас экан, 50 — 80-йилларда яшаган забардаст ўзбек тилшунослари буни билмаганларми? Билганлар. Фақат мафкуравий тазйиқ остида яшаганлари учун собиқ марказдаги олимларга қарши чиқмаганлар. Сабаби унвон ва даражалар берувчи Олий аттестация комиссияси Москвада эди. Тадқиқотчи ўз диссертациясини осонликча тасдиқланишини хоҳлар эди.

Мана, 14 йилки биз мустақилмиз. Тарихчилар, адабиётшунослар, файласуфлар бу соҳада маълум ютуқларни қўлга киритдилар. Тилшуносликда эса, мустақиллик суст сезилмоқда. Ҳамон мақола ва диссертацияларда европаликлар тарафидан киритилган ўзбек тили табиатига зид терминлар учрамоқда.

Бизнингча, таги пуч атамалардан воз кечиш вақти келди.

**Эргаш УМАРОВ**

# «МАСНАВИЙ»НИНГ ЯНГИ НАШРИ

Шарқнинг улуғ мутафаккир шоири Жалолиддин Румийнинг «Маснавийи маънавий» асари инсоният тафаккурининг мукаммал обидаларидан биридир. Бу мумтоз асар Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам ниҳоятда машҳур. Форс тилида ёзилган бу буюк асарни ўтмишда аждодларимиз севиб мутолаа қилганлар, авайлаб сақлаганлар. Алоҳида маснавийхонлик кечалари ҳам ўтказилиб турилган.

Афсуски, шўролар даврида халқимиз эски ўзбек ёзуви ва араб — форс тилларидан мажбуран узоқлаштирилиши оқибатида мазкур маънавий хазинадан маҳрум бўлиб қолган эди. Яъни, форс тилини биладиган саноқли мутахассисларгина «Маснавий»ни ўқиб, уни тушуниши мумкин эди.

Эътироф этиш жоизки, таниқли шоиримиз Жамол Камол ўтган асрнинг 80-йилларида шарқшунос Радий Фиш қаламига мансуб «Жалолиддин Румий» номли китобни ўзбекчага ўгириб нашр эттиргандан сўнг Жалолиддин Румий ва унинг асарларига бўлган қизиқиш янада кучайиб кетди. Буни ҳисобга олган таржимон «Маснавийи маънавий»ни форс тилидан ўзбекчага тўла ўгирди.

Мазкур таржима 2001-2005 йиллар мобайнида олти жилдлик китоб ҳолида чоп этилди. Мана энди халқимиз «Маснавий»ни ўз она тилида ўқиб, баҳраманд бўлиш имкониятига эга. Китоб ҳар бир ўзбек зиёлисининг иш столида доим туришга арзигулик асардир.

Таржиманинг биринчи ва иккинчи китоблари чоп этилганда, нашрнинг сифатсиз чиққанлиги ҳақида «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси орқали ўз мулоҳазамизни билдирган эдик. Яқинда «Ҳидоят» журнали таҳририяти ташаббуси билан «Маснавийи маънавий»нинг биринчи китоби таржимаси «Фан» нашриётида ниҳоятда сифатли, ажойиб китоб шаклида чоп этилди. Қувонарлиси шундаки, китоб муҳаррирлари Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон, Муҳаммад Шариф Жуманинг ўз вазифаларига масъулият билан ёндошгани туфайли аввалги нашрда йўл қўйилган айрим нуқсон ва хатолар бартараф этилган.

**Солижон ЙЎЛДОШЕВ,**
**Абдуллатиф ТУРДИАЛИЕВ**



# ЭНГ ГУЛЛАГАН ЁШЛИК ЧОҒИМИЗ

## Ёхуд бир мақола тарихи

Талабалик чоғларимизда, яъни ўтган XX асрнинг 60-йилларида биз Алибек Рустамов, Шавкат Раҳматиллаев, Фозила Сулаймонова, Озод Шарафиддинов, Лазиз Қаюмов, Очил Тоғаев, Айюб Ғулом, Абдулла Айюпов каби забардаст олимлардан сабоқ тинглаш бахтига муяссар бўлгандик. Бу устозлар ўз фанларини чуқур билишдан ташқари, нотиқлик маҳорати билан, қизғин, эҳтиросли фикрлари билан маънавий оламимизни бениҳоя бойитардилар. Талабалар ҳузурига «Ўзбекистон маданияти» газетаси ва «Шарқ юлдузи» журнали ижодий жамоаларининг ташаббуси билан Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Мақсуд Шайхзода, Мирзакалон Исмоилий, Уйғун, Ҳамид Ғулом сингари машҳур адиблар келишиб, қизғин суҳбатлар ўтказишарди. Шу учрашувларда кўпинча, «Шарқ юлдузи»да ёки «Ўзбекистон маданияти» газетасида ёки Москвада чиқадиган «Литературная газета»да босилган у ёки бу асар ҳақида мунозарали фикрлар айтиларди. Журналистика бўлими талабалари ўртасида кўпинча машҳур ёзувчи К.Симонов, И.Эренбург, В.Колцов, ўзбек адибларидан А.Қаҳҳор, Саид Аҳмад, Суннатилла Анорбоев ва бошқаларнинг «Ўзбекистон маданияти»да, «Шарқ юлдузи»да чиққан публицистик асарлари, очеркларининг мазмуни, жанр хусусиятлари борасида баҳс бўларди. И.Эренбургнинг фашизмга қараш очерклари мақталарди. «Бобурнома», Аҳмад Донишнинг «Наводир ул-вақое», А.Герценнинг «Былое и думы», В.Белинскийнинг «Адабий орзулар», Н.Чернишевскийнинг «Рус адабиётининг Гогол даври очерклари» энг яхши намуналар ҳисобланарди. Қизиғи шундаки, бизнинг филология ва журналистика бўлими талабалари дилимизга яқин бўлган ягона газетамиз, билим ва иқтидоримизни кўрсатувчи майдон «Ўзбекистон маданияти» (ҳозирги «Ўзбекистон адабиёти ва санъати») газетаси таҳририятига бемалол кириб бораверар эдик. У ерда бизларни кўпинча Султон Акбарий, Ёнғин Мирзо, Миад Ҳакимов, Сайёр, Эркин Носиров, Жуманиёз Жабборов қизғин кутиб олишар, янги асарлар ёзиб келиш ҳақида ижодий топшириқлар беришарди.

Дорилфунунни битиргач, тақдир тақозоси билан Пушкин номидаги (ҳозир Абдулла Қодирий номи берилган) истироҳат боғининг орқасидаги ҳовлида кичкина бир хонада камина, Абдулла Орипов, Маҳмуд Саъдий ва хорижий тиллар институтида ўқиётган Исҳоқжон Нишонов биргаликда ижарада турардик. Француз адиби Оноре де Бальзакнинг «Сағри тери тилсими» романида тасвирланган орзулари оғушида яшар эдик. Абдулланинг қалин ва узун умумий дафтарга ўз қўли билан ёзилган қирққа яқин ажойиб шеърларидан бирортасини чиқаришга ўша вақтда ҳеч қайси газета журъат қилмас эди. «Тилла балиқча», «Булбул», «Биринчи муҳаббатим» шеърлари ҳам ўша ғарибахонада ёзилган эди. Ниҳоят, бу шеърлар Озод Шарафиддинов, Салоҳиддин Мамажонов, Лазиз Қаюмов, Умарали Норматовнинг саъй-ҳаракатлари билан биринчи марта «Ўзбекистон маданияти» газетасида босилиб, эл оғзига тушди. Лазиз Қаюмов раҳбарлик қилган йиллар газетада Миад Ҳакимов, Эркин Носиров, Суннатилла Анорбоев қаторида Маҳмуд Саъдий, Михли Сафаров, Ёқубжон Яквалхўжаев, Баҳодир Аминов, Отаёр, Қамчибек Кенжа, Маматқул Ҳазратқулов, Абдурайим Отаметов фидойилик билан ишлашарди. Ўша вақтларда машҳур бўлган адабий танқидчилардан Салоҳиддин Мамажонов, Маҳмудали Юнусов, Матёқуб Қўшжонов, Умарали Норматов, Норбой Худойберганов тез-тез мунозарали мақолалари билан қатнашиб туришарди.

«Ўзбекистон маданияти» газетасида босилган дастлабки адабий-назарий мақолам — «Шеърда шоир шахсияти» ўша вақтда ёш шоир бўлган Рауф Парфининг биринчи китоби ҳақида эди.

Камина у вақтларда «Совет Ўзбекистони» газетасида Жуманиёз Жабборов, Эътибор Охунова, Анвар Эшонов, Муроджон Мансуров, Ўктам Усмонов, Охунжон Ҳакимов, Самар Нуров, Маъруф Жалил билан бир сафда ишлар эдим. Бир куни мени Марказкомга чақириб қолишди. Одатда, бу юқори идорага мансабдор кишилар чақириларди. Камина бирор хато қилиб қўйдимми, деган ҳаяжонимни яширганимча пропаганда (яъни идеология, мафкуравий назорат) бўлимига, айтилган хонага кириб бордим. Хонада бўлимнинг масъул ходими мени совуққина кутиб олди. Уни аввал кўп кўрганман, у Ўрта Осиё дорилфунунида (ҳозирги ЎзМУ) биздан икки курс қуйида ўқирди. У қўлимга ҳали босмахона бўёғининг ҳиди кетмаган бир шеърий китобчани тутқазди. Баъзи варақларини очиб, сиёҳда савол қўйилган жойларини кўрсатди. «Бу иккала ёш шоирнинг сўзларидан миллатчилик ҳиди келяпти, — деди мансабдор. — Бунинг сиёсий ва мафкуравий хато, адашув эканлигини кўрсатиш сиз адабиётшунос олимларнинг вазифангиз эмасми?»

Мен бу сўзларни эшитиб, кўп ажабланмадим. Ўттиз еттинчи йилларда устоз адиблар Фитрат, Чўлпон, Усмон Носир қатағон қилинганини биламиз. Лекин энди у замон ўтиб кетди, бошқа такрорланмаслиги керак, деб ўйладим ичимда. Тўпламдаги шеърларга кўз югуртирдим:

**Оёқ остда шивирлайди яшаб**
**ўттан хазонлар,**
**Кўзларимга қилич янглиғ**
**тортилмоқда мезонлар.**
**Ҳувиллаган қишлоқ узра**
**қуюқ туман чўкмоқда.**
**Йироқларда най кўнглини**
**сўнгги бора тўкмоқда...**

Яна бир шеър бундай бошланар эди:

**Деразам олдида бир қушча,**
**Ўтирар паришон ва ғариб...**

Яна:

**Дарё мавжларига ёзилмиш ғазал,**
**Майсалар эгилиб ўқийдир китоб...**

Бу гўзал байтларнинг нимаси ёқмади экан бу «одам»ларга? Шуни сўраганимда ходимнинг сийрак қошлари чимирилди. «Мана бу сатрлар-чи?'', деди у секин, лекин жаҳл оҳангида:

**Мен ғарибман ва сен беомон,**
**Сен қуёшсан, мен сўнган чироқ,**
**Қийнамагил мени, онажон...**

Бу она тилимиз ҳақидаги шеърдан. Шоир бу сўзларнинг ҳар бирига теран ва сирли маънолар юклаган эди. Бу ерда ўқувчи кўнглида турли маънолар туғиларди. Бунда, эҳтимол, она тилимиз ўрнига ҳукмрон бўлган шўролар тили, компартия, советларнинг беомонлиги ҳақида сўз борарди. Хуллас, юқори идора мансабдори бу каби шеърларда «антисовет» руҳ борлигини тушунар, бу «иллат»ни униб-ўсмасидан аввал бўғиб, йўқотиш зарур, деб ҳисобларди.

Камина вазминлик билан: «Бу китобчани яхшилаб ўқиб чиқай, сўнг фикримни айтаман», дедим. Ходим: «Бунақаси кетмайди, сизга уч кун муҳлат, учинчи куни бу зарарли шеърлар ҳақида танқидий мақолани ёзиб тугатинг, аввал мен ўқиб чиқаман, сўнг қайси газетага беришни ўйлаб кўрамиз», деди.

Мен у билан баҳслашиб ўтирмай, янги ва жажжи китобчани чўнтагимга солиб, ишхонамга қайтдим. Хонамга кириб, дарҳол китобчани ўқий бошладим. Сурат Ориповнинг шеърларида ҳам дардли сатрлар бор эди. Лекин Рауфнинг шеърлари бошқа, ажиб ва гўзал олам эди. Уйга бориб, бир-икки кунда китоб ҳақидаги завқли таассуротларимни қоғозга туширдим. Сарлавҳани иккиланмай қўйдим: «Шеърда шоир шахсияти». Каттагина мақола бўлди. «Ўзбекистон маданияти» газетасига топширдим. Сўнг «Нима бўлса бўлар, таваккал», деб меҳнат таътили сўраб бошлиғим Мақсуд Қориевга ариза ёзиб кирдим. У киши розилик берди. Ҳамхоналарга: «Юртимга, Андижонга бораман, 15 кунда қайтсам керак», деб йўлга чиқдим.

Андижонда қариндошларим, муаллимларим, синфдошларим билан кўришиб, Навоий боғида Симурғ ҳайкали қанотлари остида дўстлар билан музқаймоқ еб, чойхона паловларига ҳам тўйиб ярим ойни ўтказдим.

Тошкентга қайтиб келсам, газетада мақолам босилибди. Дўстларим Михли Сафаров, Маҳмуд Саъдий, Ёқубжон ака, Қамчибек Кенжа, Отаёр яхши мақола ёзибсиз, деб табриклашди. Мақола устозларим Озод Шарафиддинов, Лазиз Қаюмов, Шукрулло, Салоҳиддин Мамажоновга ҳам маъқул бўлибди.

«Ўзбекистон маданияти» — «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»да замонавий ўзбек шеъриятининг бадиий-назарий муаммоларига бағишланган яна кўп мақолаларим, жаҳон мумтоз насри ва шеъриятидан таржималарим босилиб чиқди. Буларнинг аксарияти кейинроқ «Абадият лаҳзалари», «Талант ва ижод фалсафаси», «Ҳайрат ва тафаккур», «Аҳли дил» каби китобларимдан жой олди. Кўпчилик асарларим «ЎзАС» бешигида униб ўсган эди...

**Маҳкам МАҲМУД**

# ШУКРОНАЛИК

*Газета ва газетхон*

Ҳафтаномамиз энг севимли, ҳар сони интиқлик билан мутолаа қилинадиган нашрлардан. Унинг саҳифаларида таҳририят ташаббуси билан жуда кўп долзарб масалаларнинг илмий баҳолари бериб борилади.

«ЎзАС»да эълон қилинган мақолалар, давра суҳбатлари таъсирида адабий-маданий ҳаётимизда талай кўнгилли ўзгаришлар юз берганига ўзим гувоҳман. Масалан, ҳафталикнинг 1982 йил октябр ойи сонларида босилган ўзбек матншунослиги муаммоларига доир баҳс мавзулари кейинчалик Тошкент давлат шарқшунослик институти ўқув дастурига киритилди.

Менинг газетадаги биринчи иштироким 1959 йилнинг 26 сентябр сонида «Огаҳий юбилейига бағишланган илмий сессия» деган мақолача билан бошланган эди. Шундан буён 60дан зиёд, асос-эътибори билан Алишер Навоий ва ўзбек мумтоз адабиётига оид мақолаларим босилди. Бир нарсани катта шукроналик билан эътироф этишни истардимки, газета бирор-бир мақоламни қайтарган эмас.

Алишер Навоийнинг замондоши шоира Меҳрий Ҳиротий, Навоийнинг укаси Дарвешали бекнинг умр йўлдоши Офоқ бегим Жалойир, шоир Гадойи, Навоий насри ва насрий асарлари — «Маҳбуб ул-қулуб», «Мажолис ун-нафоис», «Муншаот», «Хамсат ул-мутаҳаййирин», Навоийнинг дастхати ва муҳри, «Шоир вафотига Шарқ марсияси», «Муножот», «Сирож ул-муслимин» ва бошқа мақолаларда газетанинг моҳиятини назарда тутиб, имкон қадар янги фикрларни айтиш, янги асарлар ҳақида илмий маълумот беришга интилган эдим. Яқинда газета муҳаррирининг ташаббуслари билан Зулфия бегим ҳақида хотира-мақолам («Бир умр кўзимда турасан...», 2005 йил 21 октябр) босилиб чиқди. Жуда кўп турли-турли касб эгалари қўнғироқ қилиб табрикладилар, раҳмат айтдилар. Самарқанд, Бухоро, Гулистон, Жиззах шаҳарларидан ҳам телефонлар бўлди. Мен барча раҳматларни газетамиз редакциясига, шоирамизнинг руҳи покларига ҳавола этдим.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» саҳифаларида адаб илми заҳматкашлари — таниқли олимлар: Ҳоди Зариф, Ҳомил Ёқуб, Абдуқодир Ҳайитметов, А.Н.Болдирев, С.Н.Иванов, Лазиз Қаюмов, Бегали Қосимов, Субутой Долимов, Ғулом Каримов, Натан Маллаев, Раҳмат Мажидий, Порсо Шамсиев ҳақида мунтазам равишда мақолалар бериб борилгани таҳсинга сазовордир. Бу мақолалар ҳозирги кунда ибратли гўзал хотираларга айланиб қолди.



*Мана бу расмда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»да мақолалари нашр этилган устозлар — Иброҳим Мўминов, Воҳид Абдулла, Музаффар Хайруллаев, Раҳмат Мажидий, Порсо Шамсиев хотираларини ёдлаб, Саъдулла Мирзаев ва мен таъзим бажо қиламиз.*

**Суйима ҒАНИЕВА**

# КИНО: ИЖОД НАШИДАСИ ВА ТАШВИШЛАРИ

*Шахсий мулоҳазалар*

***Агар кино санъатининг бугунги долзарб масалаларидан келиб чиқадиган бўлсак, ўзбек киносининг тасаввуримдаги тасвири анча мураккаб. Лекин, унда ёркин бўёқлар, улуғвор кўринишлар устун туради. Бу ҳол мени қувонтиради. Зеро, илк бор мустақиллик йилларида Амир Темур ҳақида бадиий, ҳужжатли, телевизион асарлар яратиш имконига эга бўлдик. Тўғри, бу асарлар бенуқсон эмас: драматургия бўш, режиссурада камбағаллик кўзга ташланади. Камина бу нуқсонларни узоқ танаффусдан кейин буюк сиймога мурожаат этишга, уни бадиий тадқиқ қилишга бўлган интилиш, изланишнинг дастлабки палласи, деб билдим. Аслида янги босқичдаги қизғин фаолият «Темур тузуклари», «Зафарнома» каби асарлар билан боғлиқ бўлиши керак. Бу ҳолат узоқ ўтмишни қайта идрок этишни, унинг бадиий ифодаси ҳаётий, қизиқарли, ғоявий жиҳатдан равон бўлишини таъминлайди. Кино хроникадан, ҳужжатли асарларни яратишдан бошланганидек, янги миллий кинематография Соҳибқирон сиймосини, меросини экранда намоён этишни шундай ҳаётий манбаларни ўрганиш, кино нуқтаи назаридан ўзлаштиришдан бошлаши керак.***

Ҳозирги кино санъатимиз манзарасининг бир қисмини замондошимизга бағишланган ихчам «композициялар» ташкил этади. Қисқа метражли «Шўр пешоналар», «Она», «Сени излаб» (кейингиси телевизион кино) каби филмлар кўнглимизга, дилимизга яқинлигига сабаб, уларда миллий характер, қизиқарли воқеаларнинг ҳаётий таърифи ва тавсифи мавжуд.

Интеллектуал кино жаҳон миқёсида тантана қилганини бугун кўпроқ мутахассислар биладилар-у, ўзимизда «Феллини» бадиий филми, «Муқаддас Авесто» ва «Тушлар» каби публицистик экран асарлари жаҳон андозалари даражасида бажарилганидан кўпчилик бехабар. Ваҳоланки, бу филмлар халқаро анжуманларнинг совринларига сазовор бўлган. Айниқса, бу каби асарлар экран санъати нималарга қодир эканлигини эслатиб туради, енгил-елпи ёзилган сценарийлар муаллифларига, режиссёрларига, бадиий саёз филмларнинг ижодкорларига кинонинг синтетик табиати, унинг эстетикаси техникага боғлиқлигини яққол кўрсатади.

Яна бир бадиий оқим — поэтик кинонинг истиқболи порлоқ кўринади. Биргина «Қор қўйнида лола»нинг шоирона руҳи, қаҳрамонлар ички дунёсининг табиий намоён этилиши, тасвирда нафис бўёқларнинг мўллиги таҳсинга сазовордир. Чўлпондан илҳомланиб, ўзига хос ижодий кашфиёт қилган ёшларга мустақиллик давридагина экрандан дадил сўзларини айтишлари учун шароит яратиб берилганини алоҳида қайд этиб ўтиш жоиз. Бу оқим бизга «Аёллар салтанати» ва «Эркак», «Орзу ортида» ва «Тушларимда ғамгин йиғлайман» каби филмларни тақдим этди. Аслида миллий кино санъатимизда худди шу йўналиш устун туриши учун барча шарт-шароит мавжуд эди: ахир, бизнинг барча ҳавас қиладиган мумтоз шеъриятимиз бор. Худди шу руҳ билан суғорилган халқ театри, халқ оғзаки ижодиёти анъаналари мавжуд.

Киномиз манзарасининг мураккаблиги яна шундаки, унда доғлар, кўз илғамайдиган чизиқ ва шакллар, гўзаллик қоидаларига зид бўлган бачкана кўринишлар ҳам йўқ эмас. Масалан, Собир Назармуҳаммедовнинг кейинги филмлари, Эдуард Хачатуровнинг кетма-кет бир-бирирдан заиф ҳужжатли «асарлар»ни қолипдан чиқараверишi, хусусий студияларнинг ўзаро ўхшаш, саёзликда бир-биридан қолишмайдиган «бадиий филмлари»... Улардан бири — «Парвона»ни кўриб ҳайрон бўлдим. Икки соат-у қирқ дақиқа давом этадиган филм ашула, рақс, можаро ва қуруқ диалоглардан иборат. Теран фикр, ҳис-ҳаяжон, ва уларнинг бадиий, кинематографик ифодаси йўқ. Драманинг руҳи ҳам, ижро, режиссура, диалоглар қурилиши ҳам талаб даражасида эмас. Бу каби асарлар томошабиннинг эстетик дидига салбий таъсир кўрсатиб, киногa бўлган муносабатини ўзгартиради. Миллий экран санъатимиз обрўйига путур етказади. Шу боис манзарани мураккаб дейман-у, яна юқорида тилга олинган бақувват асарлар юлдуз каби порлаб туриши хаёлимга келади.

Жамият тараққиётининг янги босқичида публицистиканинг эстетик, ижтимоий-сиёсий аҳамияти катта.



Шу маънода миллий экран санъатимизда публицистика минбари учун имкониятлар яратилганидан беҳад хурсандман. Очиғи, бугун бу соҳа бадиий кинодан ўзиб кетди. Аввало, мавзу ва қаҳрамон танлашда, қолаверса, уларнинг бадиий-публицистик ифодасини таъминлашда кино журналистлари яхшигина малакалари борлигини, фуқаролик бурчларини росмана бажара олишларини, теран мазмунга мос келадиган бадиий шакллар топа билишларини кўрсатмоқдалар. Биргина полотно — «И.Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» деб аталган сериал кинонинг бу соҳасидаги изланиши самарали эканига далил бўла олади. Мазкур филмни кўргандан сўнг экранда долзарб масалаларни ёритишда янги тасвирий имкониятлар, мажозий ифодалар ихтиро қилиш ҳамда улардан кенг фойдаланиш зарурлиги, образли публицистика даражасига кўтарилган асар бадиий кинода ёритилиши керак бўлган мавзуларнигина эмас, уларни ифода этиш усулларини ҳам кўрсатиб бериши маълум бўлди. Жимжимадор режиссура, атайлаб мураккаблаштирилган фабула-воқеалар тизмаси эмас, равон бадиий шакл, ҳаётий кадрлар, содда, лекин таъсирчан кинокомпозициялар излаш ва қўллаш яхши самара беришини мазкур асар кўрсатиб берди.

Ижоднинг бу соҳасини синчиклаб ўргансак, кинокузатиш натижасида яратилган «Қудуқ», «Отбеги» билан бир қаторда, фалсафий тушунчаларнинг экрандаги кўриниши, мазмунини очиб берган «Муқаддас Авесто», шунингдек, «Тушлар», «Саф», публицистик шаклда яратилган «Қоракўл», «Ойбек», қизиқарли илмий тадқиқотга хос фазилатларни ўзида мужассам этган «Чарх», «Хор» каби кино ва видеотасмалар бир-биридан жанр ҳамда шакл жиҳатидан фарқ қилишини кўрамиз. Лекин уларнинг ҳар бири ўз фазилатларига эга. Баъзи кадрлар сўзсиз, изоҳсиз ҳам завқ беради, муайян фикр, ҳис-ҳаяжон тасвир, монтаж, ракурсли композиция, драматургик «юкка» эга бўлган овоз воситалари билан экранда намоён этилади. Кўпгина бадиий филмларга айнан шундай фазилатлар етишмайди. Сўз билангина ахборот берадиган эпизодлар, сийқаси чиққан сюжет йўлларидан ташкил топган «бадиий» асарлар ижодкорлари учун юқорида тилга олинган образли публицистиканинг ёркин намуналари мактаб вазифасини ўташи мумкин. Ишонмасангиз, «Қудуқ» филмида бирорта сўз талаффуз этилмаса ҳам, драматик кучга эга бўлган барча эпизодлар томошабинни ўзига маҳлиё этиши сабабларини ўрганиб кўринг. Таренияз Қалимбетовнинг она ерига ва тенгдошларига меҳр-муҳаббати ҳар бир кадрда, суратга олиш нуқтасини танлашида, йирик планда — портретда, дала-даштнинг кенглигини, у фалсафий фикр юритишга ундашини таърифлашида яққол сезилиб туради. Хусусий студиялар «бадиий» филмларининг аксарияти эса жуда бўш ёзилган, актёрлар ёдлаб олган (аслида бундайларни актёр деб бўлармикин...) диалоглардан иборат. Буниси етмагандек, кадр ортида ҳам фақат ахборот даражасидаги матн янграб туради.

Ёки «Муқаддас Авесто»нинг ифода воситаларига аҳамият беринг. Унда узоқ ўтмишда ҳукм сурган муҳит, ўша давр фалсафаси, барчани безовта қилган ижтимоий масалалар рамзий образлар, таъсирчан истиора, ҳаракатдаги тасвир мажмуалари кўмагида томошабинга етказилади.

Албатта, бугун бадиий кинода тўпланиб қолган масалаларни ҳал этишнинг имкони бор. Шоир Чўлпон «санъаткорга аввало маданият зарур», деган эди. Агар кино маданияти ҳам юксак бўлиши, мураккаблиги ҳамда миллионларга озиқ беришини ҳисобга олсак, кино аҳлига мутолаа, мушоҳада, мулоқот ниҳоятда зарурлиги аён бўлади. Бунинг учун «Ўзбеккино» қошида режиссёрлар Олий курсини ташкил этиш керак, дейдиган бўлсак, унда жаҳон кинематографиясининг етук асарлари (уларнинг кинотасмалари, видео нусхаси эмас!) ҳозирча филмотекаларимизда йўқ. Бу ишни Маннон Уйғур номидаги Санъат институти бажарса бўлармикин, деб мулоҳаза қилсак, бу олий ўқув юртида филмотекаси доимо ишлаб турадиган студия, лаборатория йўқлиги, кино назарияси ҳамда амалиёти билан муттасил шуғулланиб келаётган мураббий-мутахассисларнинг камлиги кўзга ташланади. Баъзилар «ёшларни хорижий мамлакатларга юбориш керак», дейишар, лекин камина санъат соҳасида ижодий кадрларни тайёрлаш жараёни юртимизда ўтиши зарур, деб ўйлайман. Ўрта мактабни тамомлаган йигит-қизларимиз Париж ёки Москвага бориб кинони ўрганмоқчи бўлса, аввало ўша юртнинг маданияти, мероси, иқтисодиёти, тарихи, бугунги куни билан батафсил танишади. Бу жараён уларнинг онгига таъсир кўрсатмай қолмайди. Ёш иқтисодчилар, шифокорлар, муҳандислар, кимёга ёки физикага меҳр қўйганларда бу ҳол сезилмаслиги мумкин. Лекин ёш ижодкорларнинг эндигина пайдо бўлаётган бадиий бисотига, шаклланаётган дунёқарашига ўзга мафкура, ўзга маданиятнинг таъсири кучли бўлади. Эҳтимол, махсус олий ўқув юртларида таълим олган, балоғат ёшига етган, миллий меросдан озиқ олиб режиссура ва драматургияда ижод эта бошлаганлар бир-икки ойлик семинарларда таҳсил кўриши мумкиндир. Таъкидлаётганимиз учун узр, бу шахснинг суяги юртида қотган бўлиши, у буюк ўтмишини, улуғ сиймоларини билиши, улар билан фахрлана олиши керак.

Шу боис ўзимизда кино-теле университет ташкил этиш керакмикин, деб ўйлаб қоламан. Бу даргоҳ ўз студияларига, павилонларига, электрон техникасига, реклама билан шуғулланадиган мутахассисларига эга бўлиши керак. Ёки махсус олийгоҳ «Ўзбеккино» ва телерадиокомпания билан ягона комплексни ташкил этиши мақсадга мувофиқ бўлар. Куала Лумпурдаги Малайзия киноакадемиясини кўриб, ўрганиб, Пекинда Хитой кино институтининг фаолияти билан танишиб, шунингдек Брюссел (Белгия) ҳамда Лейден (Голландия) университетларининг ўқув жараёнидан сабоқ олиб шундай хулосага келдик.

Кино амалиёти ҳамда назарияси билан шуғулланиб келаётганим сабабли юртимизда ижоднинг бу соҳасига жиддий эътибор берилаётганининг, миллионлаб маблағ ажратилаётганининг қадрига етаман. Шу боис ютуқлардан қувонаман-да, муаммоларни ҳал этиш йўлларини излайман.

**Ҳамидулла АКБАРОВ**

# ҚАЛБЛАРГА МУҲРЛАНГАН ОВОЗ

*Ёднома*

Бугун биз ўз ҳаётимизни оммавий ахборот воситалари ичида энг фаоли — радиосиз тасаввур эта олмаймиз. Радио кашф этилиб, улкан тараққиёт босқичига кўтарилган ҳозирги кунга қадар, Ўзбекистон радиосида кўплаб улуғ сиймолар, жумладан, сухандонлар ҳам бу соҳа ривожига ўз ҳиссаларини қўшганлар. Радио сухандонликнинг ўзига хос мактабини яратган Туйғуной Юнусхўжаева, Қодир Тожиев, Қодир Махсумов, Клара Халиловалар билан бир қаторда, Раъно Ашрапова ҳам узоқ йиллар бу ерда хизмат қилди. У кишининг ўқиш услуби, ўзига хос овози кўпларга яхши таниш. «Радиода сухандонлик қилиш шарафли ҳам масъулиятли, — деган эди Раъно опа суҳбатларидан бирида. — Шарафлилиги шундаки, биз журналистларимизнинг меҳнатини юзага чиқарамиз. Муҳаррирлар тайёрлаган матн орқали миллионлаб одамларга хабар етказамиз. Уларга яхши кайфият улашамиз. Масъулиятли жиҳати шуки, қандай ҳолатда, қай кайфиятда бўлмайлик, эшиттириш матнини, маъно-моҳиятини тингловчига етказиб беришимиз керак. Бу ишда, айниқса, тилга, талаффузга жиддий эътибор бериш лозим».

Раъно Ашрапова 45 йилга яқин Ўзбекистон радиосида сухандон бўлиб ишлади. Ўзи тилшунос бўлганлиги сабабли, талаффуз қоидасига қатъиян риоя қиларди, матнни ифодали ўқирди, кўп ҳолларда тингловчи билан эфир орқали мулоқотга киришишда самимиятга, ўзаро ишончга йўғрилган услубига таянарди.



Ҳаётда яхши инсонларни ҳамиша яхши сўз билан хотирлаймиз. Раъно Ашрапова ана шундай эзгу, қалбдан айтиладиган сўзлар билан эсланадиган инсон эди. Кўп йиллик самарали меҳнати учун «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвони билан тақдирланганди. Раъно опа турмуш ўртоғи Аброр ака Пирмуҳамедов билан уч фарзандни тарбиялаб вояга етказди, саккизта неварали бўлди. Фарзандлари бугун эл-юрт хизматида. Энг муҳими, Раъно опанинг радиодаги узоқ йиллик меҳнатлари самараси сифатида кўплаб шогирдлар бугун унинг номини ҳурмат билан тилга оладилар.

Улар орасида ҳозирда Ўзбекистон радиосида хизмат қилаётган Туҳфа Аҳмедова, Абдулла Матназаров, Аҳмаджон Мирзаев, Эрназар Ёрбеков, Шаҳноза Иброҳимова, Умида Ҳидирова, Шокир Юсупов каби хизмати элга манзур бўлиб келаётган сухандонлар бор. Айни вақтда радиобошловчиликка қизиқаётган ёшлар Ўзбекистон радиоси фонотекасида Раъно Ашрапова ўқиган кўплаб эшиттиришларни тинглаб, ўрганиб, маҳоратларини оширишлари мумкин.

Бу дунёда ўзидан яхши ном, тарбияли фарзандлар, ширин хотира қолдириш бахт. Овози минглаб радиомухлислар қалбига муҳрланиб қолган истеъдодли сухандон Раъно Ашрапованинг охирати обод, руҳи шод бўлсин.

**Ўлжабой ҚАРШИБОЙ**

# МУСИҚА - РУҲ ОЗИҒИ

*Эътироф*

Дунёда мусиқани севмаган киши бўлмаса керак. Мен ҳам болалигимдан куй-қўшиққа иштиёқманд эдим. Отам Исомуҳаммад дуторни яхши чалар, Тўйчи ҳофиз билан яқин қадрдон эдилар. Машҳур бастакор Юнус Ражабий, уларнинг акалари Рисқи Ражабий ва Имомжон Икромовлар билан Чақар маҳалласида истиқомат қилардик. Ўзбекистон халқ артисти, моҳир созанда Ориф Қосимов «Чўли Ироқ», «Чоргоҳ», «Чапандози Гулёр», «Гиря» ва «Муножот» куйларини дуторда чалганларида мириқиб эшитардим.

Ўзбекистон халқ артисти Турғун Алиматов суҳбатларининг бирида ўзи гувоҳ бўлган ғаройиб воқеани сўзлаб берганди. Турғун акани мухлислари Хумсонга таклиф этишади. Созанда сой бўйида харсанг тош устида берилиб танбур чалар, атрофда бир гала қушлар чарх урармиш. Бундан Созанда ҳам, тингловчилар ҳам ҳайратда қолишади. «Мен бу қушларнинг танбурдан янграган куй товушига йиғилганини билгач, мусиқанинг куч-қудратига, мўъжизасига яна бир бор ишондим», — дея суҳбатини якунлаганди созанда.



Мусиқанинг бекиёс қудрати ҳақида шундай бир ривоят ҳам бор. Абу Наср Форобий сафар чоғида Рум подшоси уни қабулига чорлаб: «Сени мусиқа билимдони дейишади, қани ҳунарингни кўрсат-чи» дейди. Шунда Форобий қўлидаги созини чалади. Сарой аҳли бирин-кетин ўринларидан туриб рақсга тушишади. Бироз вақт ўтиб, мусиқачи куй оҳангини ўзгартиради. Шунда даврага оғир сукунат чўкади. Ўтирганлар чуқур хаёлга толиб, юз-кўзларида ғамгинлик аломатлари зоҳир бўлади. Учинчи куй янграганида эса тингловчилар сархушланиб, кўзларини юмиб, аста уйқуга кетадилар. Худди шу пайтда Форобий саройни тарк этиб, ўз йўлига равона бўлади.

Куй инсонни тинчлантиради, қалбига ҳаётбахш туйғулар олиб киради. Алишер Навоий ўз даврида мусиқага муносабат билдириб, бир асарида шундай деганди: «Тўрт юз шифокорни чорланг, тўрт юз шамни ёқиб қўйинг, лек уларнинг ҳеч бири инсон қалбига мусиқа берадиган ҳароратни бахш этолмайди, мусиқа янглиғ ёғду сочолмайди». «Лисон ут-тайр» асарида эса инсоният тарихида мусиқанинг илк маротаба Фисоғурс (Пифагор) томонидан кашф этилгани баён қилинади. «Бир куни Фисоғурс одам оёғи етмайдиган қоронғу ўрмондан ўтаётганида номаълум қушнинг сайраётганини эшитади. Бу Қақнус экан. Фисоғурс унинг куйлашидаги турли садоларни эшитиб, уларни ажратган ва мусиқани кашф этди», дейилади ушбу асарда.

Халқ ичида «Мусиқатерапия» деган ибора бор. Мумтоз куй-қўшиқларнинг асаб хасталикларига чалинган беморларни даволашда таъсири ўзгача эканини шифокорлар кўп маротаба таъкидлаб ўтганлар. Ҳатто қадимда ҳам мусиқадан айрим касалликларни тузатишда фойдаланилган. Масалан, ал-Хоразмий ўз юртида беморларни даволашда ширин сўз, дори-дармон, парҳез ҳамда мусиқанинг таъсири ижобий бўлишини ёзиб, шундай таърифлайди: «Менга моҳир созанда чалган ҳар қандай хазин куй ҳамма дорилардан ҳам кўра яхшироқ таъсир қилади ва шифо ато этади». Мусиқа назарияси бўйича бир қанча асарлар ёзган Абу Наср Форобийнинг айтишича, мусиқа илми тананинг саломатлиги учун ҳам фойдали. Чунки тана касал бўлса, руҳ ҳам сўлади, тана тўсиққа учраса, руҳ ҳам тўсиққа учрайди. Шунинг учун овозларнинг таъсири билан руҳни соғайтириш ёрдамида тана ҳам соғайтирилади...

Улуғ аллома Абу Али Ибн Сино эса «Аш-шифо» асарида «Сезги аъзоларига таъсир қиладиган нарсаларнинг бири товуш бўлиб, ўзига хос ёқимлилиги билан ажралиб туради», деб таъкидлайди.

Турғун Алиматовнинг эътироф этишича, юртимиздаги айрим шифохоналарда уйқусизлик касалига чалинган беморларни у кишининг танбурда чалган «Насрулло», «Ушшоқ», «Роҳат» куйлари билан даволаш йўлга қўйилган экан. Ҳа, чиндан ҳам куй янграши билан кўнгилга ҳаяжон инади, унинг ҳар жаранги гўё юрак торларини ҳам чертиб ўтаётгандек ёқимли туюлади. Кўнгилдаги ҳис-туйғулар жўшади, руҳ ором олади. Демак, куй руҳнинг озиғи, шу баробарида руҳни гўзалликка ошно қилиб, уни камолга етказгувчидир.

**Зайниддин ИСАМУҲАМЕДОВ**

# СУРУРЛИ ОНЛАР

*Рассом устахонасида*



Бугунги кунда таниқли рассомлар сафидан ўрин олган Алишер Алиқулов ижоди мустақиллик даврида шаклланиб, ўзига хослик касб этди. Унинг номи фақат юртимизда эмас, чет эллик мухлислар орасида ҳам яхши таниш.

А.Алиқулов ижодида бадиий принципларнинг шаклланишида машҳур рассом Баҳодир Жалоловнинг таъсири катта бўлди. Рассом ишларининг мавзуи теран ва ранг-баранг. У икки йўналишда — маҳобатли деворий рангтасвир ва станокли (мойбўёқ) рангтасвир йўналишларида ижод қилади. «Жаннат боғи», «Шоҳона ов» деворий суратлари, Тошкент олимпия шуҳрати музейидаги «Қадимий Бақтриянинг спорт ўйинлари» марказий композицияси, Ёш томошабинлар театри деворини безаган «Жаҳон халқлари эртаклари» каби дастлабки йирик асарлариёқ ғайриоддий ечими билан кўпчиликнинг эътиборини тортганди.

Рассом ижодида темурийлар даврини рангтасвир воситасида акс эттириш муҳим ўрин тутади. Соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишланган «Амир Темурнинг Тўхтамишхон устидан ғалабаси», «Гўри Амир мақбараси», «Самарқанд бозори» асарлари бунга мисол бўла олади. 1988 йили А.Алиқулов «Буюк аждодларимиз» номли деворий панно яратди. Коллаж техникасида ҳал этилган мазкур асар композицияси асосида Буюк Ипак йўли мотиви ётади.

Ўзбекистон Давлат тарих музейининг янги экспозициясини яратишда иштирок этиши А.Алиқулов ижодида муҳим из қолдирди. Бу ерда у «Амир Темур жаҳон тарихида» (2001 й.) номли деворий композициясини ишлади. Асар фақат ҳажм жиҳатдан эмас, эпик кўлами билан ҳам томошабинни ҳайратга солади. Асарнинг ғоявий кучи рассомнинг юксак профессионал маҳорати ва бадиияти билан уйғунлик касб этган. Музейдаги яна бир маҳобатли иш жадидларга бағишланган бўлиб, унда маърифатпарварлик ғояси етакчилик қилади.

Мусаввирнинг портрет асарларида мавзуни поэтик ва лирик-маърифий аспектда очишга интилиш кучайиб боряпти. Халил Султон Мирзо (1384-1411) портретида айнан шундай хусусиятни кузатиш мумкин. Мазкур тасвир психологик чизгиларнинг мураккаблиги билан ажралиб туради. Жанг эпизодларига бағишланган картиналари орасида Хоразм шоҳи Жалолиддин Мангубердининг Чингизхонга қарши қаҳрамонона кураши акс эттирилган «Ёриб ўтиш» асари, «Байроқ учун жанг», «Қалъанинг олиниши», «Ватан учун» суратлари ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Шуни айтиб ўтиш керакки, тарихий жанрда ишловчи рангтасвирчи учун фақат воқеаларни таҳлил қилиш ва типажлар қидириш камлик қилади. Бу ўринда либосларни, қурол-аслаҳаларни, асбоб-анжомларни ва бошқа зарур ашёларни тўғри тасвирлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, кўп изланиш, махсус адабиётларни ўрганиш, мунтазам олимлар билан маслаҳатлашиб туриш зарур. Кўплаб музейларда бўлган рассом классик мактабнинг йирик усталари ижодини, уларнинг услубини, рангтасвир дастхатини синчиклаб ўрганди. Ундан энг фойдали манба ҳақида сўраганимизда, ҳеч иккиланмасдан, XIV-XVI аср китоб миниатюраси, Ҳирот ва Бухоро рангтасвир мактабини тилга олди. Бу асарларда ҳақиқий тарихий қиёфалар тасвирланган, шубҳасиз, улар портретлар учун ҳужжат бўлиб хизмат қилади.

Ҳар сафар бирор сурат ёки деворий панно ишлашдан олдин А.Алиқулов ўз фикрларини аниқлаштириш, алоҳида деталларга ишлов бериш, бўлғуси асар колоритини ҳал қилиш мақсадида кўплаб эскиз ва этюдлар ишлайди. Кенг кўламли деворий паннолар ишлашда ҳамкасблари — А.Агахян, Б.Олимхонов, Ш.Баҳриддинов, М.Азлархўжаев каби рассомлар ҳам қатнашадилар.

Рассом кенг пландаги ишлардан ташқари, оддий турмуш манзараси ҳақида ҳам бир қанча асарлар яратган. Жумладан, «Совға», «Созандалар», «Ҳордиқ», «Бўйсунмас», «Хива» ва бошқа асарларида кишилар ҳаётининг алоҳида-алоҳида эпизодлари ўз аксини топган. Бу суратлар оламга ўзгача нигоҳи, оддийлиги, самимияти, табиатга нозик муносабати билан кишига завқ бағишлайди.

А.Алиқуловнинг миллий колоритга бой, алоҳида руҳият бағишловчи асарлари халқаро эътирофга сазовор бўлди. Рассом турли халқаро кўргазмаларда мунтазам қатнашиб келади, турли жанрларда яратган 30 га яқин суратлари 2000 йили Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонасида ўтган шахсий кўргазмасида намойиш этилди.

Рассомнинг ўзбек тасвирий санъати равнақига қўшаётган ҳиссаси муносиб баҳоланиб, 1996 йили «Шуҳрат» медали билан тақдирланди, 2001 йили Ўзбекистон Бадиий академиясининг Олтин медалига сазовор бўлди. 2003 йили эса «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» унвони билан мукофотланди.

Ҳозирги кунда А.Алиқулов бутун борлиғи билан ижод оламига шўнғиган. Олдинда уни янги мавзулар, янги кўргазмалар, бир сўз билан айтганда, қизғин ижод кутиб турибди.

**Лариса ЛЕВТЕЕВА**



# ЭҲТИЁЖ

## Томошабин мулоҳазалари

Ўзбек Миллий академик драма театрида расм бўлган «Айтишув» концертининг навбатдаги учрашуви — Ўзбекистон халқ артисти Замира Суюнова ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Аҳмаджон Дадаевлар иштирокидаги анжуманга бориб, бу икки суюкли санъаткор қўшиқларини сел бўлиб тинглаб, ёшлик йилларимдаги қўшиқлар, ҳамқишлоқларимнинг куй-қўшиққа бўлган беўлчов эҳтиёжи, бундан қирқ-эллик йил олдинги маданий ҳаёт кўз ўнгимдан ўта бошлади.

Қашқадарё... Чекка Китоб тумани. Маҳобатли тоғлару яшил қирлар этагидаги Дейшқон қишлоғи. Ёз. Ҳамқишлоқлар қишлоқдан ёзлоққа — узумзор боғларга кўчиб ўтган фасл. Боғ тўрида улкан ёнғоқ. Ёнғоқ остида супа. Супа устидаги ясама столда «Воронеж» радиоприёмниги. Приёмникнинг икки ёнида улкан радиобатарея.

Боғбон қишлоқдошларим узум, олма-анор, қўй-эчки сотиб, бозордан болаларига кийим-кечак, китоб-дафтар билан бирга хуржиннинг икки кўзига иккита батарея солиб, учинчисини қўлда қучоқлаб қишлоққа, 20 чақирим йўл босиб келишарди. «Кераклي тошнинг оғири йўқ» деб шунга айтсалар керак-да! Қишлоқ аҳли яхши емаслиги, дуруст кийинмаслиги мумкин эди. Лекин радиоприёмник эшитмаса, ҳофизу ҳофизаларнинг дилтортар қўшиқ-ашулаларини тингламаса бўлмасди.

Дейшқондан бир катта қир нарида Шатри қишлоғи жойлашган бўлиб, Қашқадарё шу қишлоқ ёқалаб оқарди. Худонинг қудрати, тоғлардан шитоб билан оқиб тушаётган асов дарё шу қишлоқ ҳудудига етганда бир чақирим чамаси... ортга, тоғларга томон қайтиб оқар, сўнг «ўзига келиб» олгач, осойишта мавжланиб, пастга — йўлига равона бўларди.

Дарвоқе, Замира Суюнова Шатри қишлоғида туғилиб ўсган. Шу манзилда бошланган Қашқадарёнинг мусаффо сувларини ичиб, камолга етган.

Қашқадарё дунёдаги катта ва узун дарёлар сирасига кирмайди. Ҳатто ўзимизнинг Аму ва Сирдарёларимиз тенги 1000 километрлик манзилларга оқиб бормайди. Ўз номидаги Она Ватани — вилояти ҳудудларини ниҳоялаб, чўлга етмай, заминга сингиб кетади. Бу бор-йўғи 150 километрни ташкил этиши мумкин. Мен Замиранинг санъати, бетакрор овозини ҳам ўзи сув ичган Қашқадарёга ўхшатаман.

«Айтишув» мутасаддиси Шерали Ҳожиев бу тоифадаги концертлар уюштирила бошланганига тўққиз ой тўлганини эътироф этди. Бу манзумаларнинг кўпларини кўрган бир томошабин сифатида айта оламанки, биз кутган ҳақиқий концерт дастурлари мана шу ерда туғилди! Иккала санъаткор ҳам ижро маҳоратида, одоб-ахлоқда, мумтоз ашулаларни маромига етказиб айтишда бошқа ҳамкасблари ҳавас қилгулик даражада камолот босқичига етишишган. Ҳар иккаласи ҳам қалбан, руҳан, жисман баркамол санъаткорлар. Бир сўз билан айтганда, ижод булоғи қайнаган, авжлари баланд...

Шинавандалар Замира Суюнованинг малоҳатли ижросини жон қулоқлари билан тинглаган бўлсалар, Аҳмаджон Дадаевнинг ўзбекона тантилигига офарин айтдилар.

Бундан бир ярим йиллар бурун Алишер Навоий номидаги катта академик театрда «Унутилмас наволар» концерт дастури уюштирилган бўлиб, айнан унда Аҳмаджон Дадаев ва Матлуба Дадабоевалар куйлашган эди. Бугунги «Айтишув»нинг тамал тошини қўйиб берган асос концерт ана ўша бўлган, унда ҳам Аҳмаджон халқимизнинг фавқулодда талантли ҳофизаси билан катта саҳнага чиққанди...

Хуллас, элимизнинг ардоқли қўшиқчилари Замира Суюнова ва Аҳмаджон Дадаевларнинг мазкур концертидан катта қониқиш олган, қалб эҳтиёжини қондирган бир шинаванда сифатида бу борада айрим фикр-мулоҳазаларимни ҳам баён қилиб ўтишни истардим.

Аввало, ҳали ҳам бўлса, концерт номини ўзгартириш лозим кўринади. Мазмун-моҳияти жиҳатидан ўтказилаётган ушбу концерт тадбирлари айтишув эмас, анъанавий ва новаторона ижро маҳоратини намойиш этишдан иборат бўлмоқда. Шу сабабдан уни «Унутилмас наволар» ёки «Ўлмас наволар» деб атаса ҳам бўлаверади.

Замирахоннинг шоира Фарида Афрўз шеъри билан айтган она ҳақидаги қўшиғи ҳали маромига етмаган. Аҳмаджоннинг отаси шеърига басталанган қўшиғи тўғрисида ҳам шу фикрни билдириш мумкин.

«Кемага тушганнинг жони бир», дейди халқимиз. Театрга тушган шу залдаги барча каттаю кичикнинг ҳам мартабаси бир — у томошабин, у — мухлис. Бошловчи-конферансенинг «Фалон мартабали, фалончи акам ҳам залда ўтирибдилар», дейиши ўринли эмас. Санъаткорни олқишлашда яқинлар, қариндош-уруғлар, ашаддий мухлислар ер тепиб, қарсаквозлик қилиши, қучоқлашиб ўпишиши, чопон-дўппи кийгизиши, саҳнага чиқиб, артист шаънига алёр айтиши ҳам ортиқча.

...Жонли ижронинг расм бўлаётган бундай намуналари халқимиз маънавий эҳтиёжини қондириш йўлида тобора такомиллашиб, санъат даражасига кўтарилиб боришига ишонамиз.

**Маҳмуд САТТОРОВ**

# 2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

## ЯХШИЛАР ДАВРАСИДА

Мен дунё моҳияти яхшилик эканини англадим. Бугун ҳар ким ўзи истагандек яшаяпти. Лекин ҳаёт тарозиси посангисини тутиб турадиганлар, адолат, тенглик мезони, мувозанатини сақлашни унутмаётганлар ҳам кўп.

Аксари ҳолларда сахийлик, ҳожатбарорлик, эзгулик ҳақида гап кетса, сўзимизни «қадимда...» деб бошлаймиз. Бугуннинг яхши одамлари, ҳотамтой сахийлари атрофимизда, биз билан бирга эканликлари ҳақида ҳам айтиш мумкин-ку.

Болалик гаштини сураётган норасида ҳаётида улкан йўқотиш рўй берса, унинг учди бу мусибат битмас ярага айланади. Бунинг устига рўзғор емирилиши катта зарба. Ҳумоюн ҳаётнинг шундай қисматига дуч келди. Лекин отаси бир умр суяниб яшаган ака-укалари унинг қўлидан тутишди.

— Музаффарнинг маоши. Рўзғорга ишлатинг. У биз билан бирга.

Мен шундай дўстларни, ака-укаларни кўрдим — туғишгандан зиёд. Фоний дунёда руҳни сезиш, у билан яшаш, эъзозлаш мумкинлигини билдим. Ота меҳрига ташна болаларга маънавий оталик қилиш, мураккаб ҳаёт йўлида етаклашнинг ажр-савоби Зокирлар, Суръатларда сероб. Устунсиз уй бўлиб қолган оилага раҳнамо бўлиш, оёққа туришида кўмаклашиш ҳар кимнинг қўлидан келавермас экан.

Улуғ айём эшик тақиллади. Истараси иссиқ йигит «Ассалому алайкум, келинойим бормилар?» деди. Мен пешвоз чиқдим.

— Мана буни рўзғорга ишлатар экансиз. Акам бериб юбордилар.

— Кечирасиз, ўзингизни таништирингиз. Биздан ҳижолат бўлманглар. Ҳамма яхши.

— Биз Музаффар ака билан бирга ишлаганмиз. Жуда яхши инсон эдилар. Акамизни ҳурмати, бизга суянишингиз мумкин. Тортинмай қўнғироқ қилинг.

Меҳмон кетгач, ўғлим «Ойижон, яхши одамлар экан-а, биздан хавотир олишяпти», деди. Оллоҳнинг, Музаффарнинг омонатлари ҳисобланган бу норасидаларни сўровчилар бор. Уларнинг тарбияси, соғлигига эҳтиёткор бўлишим зарур. Ҳам ота, ҳам онаман, дейдиган ҳолатга тушишимга отасининг бirодарлари, дўсту ёрлари йўл қўйишмаяпти.

Ҳафта оралаб, қучоғига совға-салом сиғмай «Жиянларим қани менинг?!» дея Улуғбек кириб келади. Отаси болаларига бериб улгуролмаган меҳрни тўкади. Бола бўлиб, Лазиза ва Ҳумоюн йўриғида юришдан эринмайди. Султон суягини хорламас, дейишади. Укамизнинг феълига яраша мартабаси улуғ бўлди. У нуфузли ташкилотда ишлаб туриб, хориж университети магистранти бўлди.



Р.АКБАРАЛИЕВ олган сурат.

Чақалоғим бироз хасталаниб 4-сонли шаҳар юқумли касалликлар шифохонасига тушиб қолдим. Бино таъмирталаб экан. Ёнига эса шинам, барча қулайликларга эга касалхоналар тикланмоқда эди.

— Жуда чиройли бино қуриляпти экан-а? — дедим шифокорга.

— Ҳа. Лекин буни ким қуриб бераётганлигини биз ҳам билмаймиз. Ғиштидан тортиб, хона жиҳозлари, тиббий асбоб-ускуналаргача бепул олиб келди. Бироқ кимлигини айтиб, ўзини танитмаяпти. Кимсиз десак, «Ҳомийман, кимлигимни сўраманглар» деди.

Бир гал ўғилчамга яра чиққанди. Маҳалладаги шифокорга учрашдик. У диққат билан гапимни тинглаб, боламни синчиклаб текширди. Ташвишга ўрин йўқлигини, аллергия эканлигини айтиб, дори ва парҳез буюрди. Хурсанд бўлиб, ташхис учун пул узатдим. Қўлим ҳавода муаллақ қолди.

— Мен болаларни ҳеч қачон пулга кўрмаганман.

Шифокор хафа бўлди, мен мулзам бўлдим.

Равшан ҳожи ота ҳам болаларни тез-тез йўқлашни унутмайдилар. Устоз Фарҳод ака ҳамиша беминнат маслаҳатларини аямайдилар.

Бу инсонларнинг саховатпешалигини биров билиб, биров билмайди. Мен эса яхшилар борлигини ҳамма билишини истадим.

Қадамингда яхши одамлар, ҳамфикр нигоҳлар, ҳамдардлар бисёр. Бу ҳаёт ҳавас эмас. «Адамни соғиндим!», «Нега адам келмаяптилар?» деган сўроқлар олдида боланинг кўзига тик қараб бўладими? Нима деб жавоб бериш мумкин? Боланинг гуноҳи нима?.. Яхшилик — мана шу саволга норасиданинг ёлғиз ўзи рўбарў келмаслиги учун яхши инсонларнинг жонсараклиги, менимча.

Йўқотиш — бу дунёдаги энг изтиробли дард. Орқада қолиб, бу синовли ҳаётни яшаб ўтиш жуда қийин. Биз-ку яхшилар ичида қолдик. Боқий дунёга бир ўзи кетган одам-чи? У қандай яшаяпти экан? Биздан хавотирда бўлса-чи?

Энди фақат у кишига боқий дунёда хотиржамлик, ёруғ кунлар сўрайман. Биз сиз ишониб кетган яқинларингиз, яхши инсонлар даврасидамиз.

**Маҳлиё МИРСОАТОВА**

---

*Асқад МУХТОР*

*Минг бир ҳикмат*

## СЎЗНИНГ СОЯСИ

Ўзингникигина эмас, ўзгаларнинг нодонлиги ҳам ёзишга халақит беради.

* * *

Китоб — бойлик. Лекин сотиб олингани эмас, ўқилгани.

* * *

Ўйлайманки, Ҳамлет, Фарҳод, Дон-Кихот, Обломов сингари образлар инсон хотирасига типик характер эмас, асосан типик муаммо, абадий савол сифатида михланиб қолган.

Чинакам бадиий асар ҳамма вақт жавобсиз саволдир, бордию адиб унда бирор муаммо кўтарган бўлса ҳам, бу — амалда ҳал қилиб бўлмайдиган муаммодир. Агар муаллиф амалда ҳал қилинадиган вазифа қўйса, бу, асосан, очерк ёки мақола бўлади. Ёзувчи эса ташвиқотчи эмас, шоир бўлиши керак.

* * *

Лаганбардор бошлиқнинг эриш нуқтасини билади.

* * *

Ёзувчи саёз жойда чўкади.

* * *

Талант ҳақида куюниб гапирганларнинг ҳаммаси ҳам талантли бўлавермайди. Чунки ҳеч ким ўзини талантсизман деб ўйламайди.

* * *

Тошнинг бардоши зўр.

* * *

Кичкина бир яхшилик қилиш учун ҳам одам (балки буюк одам) бўлиш керак; катта ёмонлик қилишга кичик одам ҳам қодир.

* * *

Адабиёт фан-техника инқилоби даврида ҳам инсон билан иш кўриши керак. Экзюпери мақтаган самолётлар ҳозир ҳеч нарсага ярамай қолди. Лекин Митти Шаҳзодаси ҳали узоқ яшайди.

* * *

Одиссей арвоҳларни ўзи билан суҳбатлашишга кўндириш учун уларга ўз қонидан бериб тирилтиради. Ёзувчи тарихий шахслар ҳақида ёзганида шундай қилиши керак.

* * *

Ёзувчи ёлғонни тўқийди-ю, ҳақиқатни ёзади.

* * *

Шамол шамни ўчиради. Шунга ўхшаб, айрилиқ ҳам шунчаки хушторликни совитиши мумкин, чин муҳаббатни эса ўт олдиради.

* * *

Ўзимизда бўлган туйғуларни яшириш қийинми ёки ўзимизда бўлмаган туйғуларни ифодалашми? Шукур Бурҳон менинг бу саволимга шундай деб жавоб берган эди: иккаласига ҳам артистизм керак.

* * *

Бахт — бойликда, десангиз, ҳамма бахтсиз. Чунки ақллига кўп нарса керак эмас, аҳмоқ эса барибир тўймайди.

* * *

Шоир бўлиш яхши, шоирлик даъво қилиш ёмон.

* * *

Даҳолар ўз касблари доирасидан чиқиб кетадилар. Фалончи — шоир, фалончи — олим, аммо Навоий — Навоийдир, Эйнштейн — Эйнштейн.

* * *

Қалам сўзнинг соясини чизади.

* * *

Бойликни бойлик қилган — ўзимиз. Агар унга бунчалик сиғинмасак, у бир тийинга арзимас эди.

* * *

— Танқидга қалайсиз? — деб сўради мухбир.

— Фақат қоғоз гул ёмғирдан қўрқади, — деб жавоб берди адиб.

* * *

— Сизга театр ёқадими, киноми? — деди мухбир.

— Сизга одам ёқадими ё унинг сояси? — деди адиб.

— ... Баъзи одамлар бўладики, ўзидан сояси тузук, — деб ҳазил қилди мухбир ҳам.

Кулдилар.

* * *

Илгари мен абстракт санъатни тушунмас ва ҳазм қилолмас эдим. Инсон самога учиб, космос даври бошлангач, бу санъатга қизиқиб қолдим. Абстракт санъат Космос образининг эстетик ибтидоси бўлсамикан?

* * *

Авваллари яшаш учун ёздим, энди ёзиш учун яшамоқдаман.

* * *

Ҳаёт шундай ажойиб мўъжизаки, ўлим унинг эвазига берилган арзимас бождир.

---

## Дунё — кенг...



### ШОМОННИНГ ҚАРҒИШИ

**5 минг йилдан кейин тадқиқотчиларнинг бошига етди**

**Одамнинг жасади, ҳатто ўлимидан кейин ҳам, ўта қизиқувчан кишилар учун жиддий хатар туғдириши мумкин экан. Олмониялик сайёҳ Гелмут Симон 1991 йили Алп тоғида, Австрия ва Италия чегарасида тасодифан «муз одам» — мўмиёланган жасадни учратиб қолади. Устида мўйнадан кийими, оёғида теридан чориғи бор бу жасаднинг ёнидан камон ва ўқ-ёй ҳам топилган. Маълум бўлишича, бу одам бундан 5300 йил олдин яшаб ўтган экан.**

Жуда яхши сақланган бу жасадга Отси, деб исм беришади. Унинг кийимида тўрт кишининг қон доғлари қолгани аниқлангач, Отси ўша одамларнинг қўлида жон берган, деган тахминга келинди. Ҳалок бўлган пайти у 42 ёшда бўлган, яъни ўз замондошларининг ўртача умридан ортиқроқ умр кўрган. Танасидаги айрим белгиларга асосланиб, олимлар унинг шомон бўлганини тахмин қилишди. Бироқ жасаднинг ёнидан топилган ашёлар олимларни ўйлантириб қўйди. Масалан, камон 7000 йил олдин ясалган, болта эса Исо Масиҳ хочга тортилган замонга тўғри келди. «Муз одам» ўранган мўйна ўша пайтда Хитойда мавжуд бўлган эчкининг териси экан. Тахминларга кўра, Отси бизга маълум бўлмаган қадимги диний қавмнинг коҳини сифатида ғайритабиий қобилияти билан мўъжизакор қудратини намоён этган.

Эҳтимол, тириклигида унга қандайдир алоҳида жоду юқтирилган. Қадимги друидларда шундай расм-маросим бўлган: одамга «ўлимолди афсуни» — махсус мистик жоду юқтирилган. Унга кўра, келажакда жасадни нотинч қилганларга қаттиқ қарғиш теккан.

Мана шундай мулоҳазалардан келиб чиқиб, айрим олимлар Отси жасадини нотинч қилганлар бу жасад билан боғлиқ лаънатга учрашаётир, деган фикрни билдиришмоқда. Дарвоқе, шомоннинг қарғиши дастлаб уни топган сайёҳ Гелмут Симонга урди.

Гелмут ўзи топиб олган жасад учун 100 минг доллар тўланишини талаб этиб, судда ютиб чиққач, «муз одам»ни учратган жойга боради ва қор бўрони ичида қолиб музлаб ўлади. Уни қутқарувчилар топишганда Гелмут қор тагида худди «муз одам» ётган алфозда ётган экан.

Қутқарувчиларнинг бошлиғи Дитер Варнеке Гелмутни дафн этишгач, юрак хуружидан вафот этади. Отсини эксперт қилган доктор Рейнер Хенн «муз одам»га бағишланган илмий анжуманга бораётиб автомобил ҳалокатига учрайди. Шундан кейин, шомоннинг жасадини тоғдан тушириб, вертолётда олиб келган профессионал алпинист Курт Фриц жарга қулаб ҳалок бўлди. Орадан икки йил ўтиб, Отси ҳақида ҳужжатли филмни суратга олган австриялик журналист Райнер Хелц оғир касалликдан қазо қилди. Отсини тадқиқ қилган Иннсбрукс университетининг бир гуруҳ олимларига раҳбарлик қилган Конрод Шпиндлер «шомоннинг қарғиши»га кулиб қарар ва бундай «афсоналар»га ишонмасди. У ҳам 66 ёшида вафот этди. Отсининг ДНКси тадқиқи билан шуғулланган доктор Том Лой ҳам 63 ёшида қазо қилди.

Ҳозирги пайтда «қотил шомон» жасади Италиянинг Больцона шаҳридаги археология музейида сақланади. Жасадни келиб кўрувчиларнинг эса кети узилмайди.

Отсининг қарғишига алоқадор воқеаларни фиръавн Тутанхамон қарғиши билан қиёслашади. 1923 йили февралда Луксореда Фиръавнлар водийсидаги кўҳна қабр очилиб тадқиқот олиб борилган. Шунда ёш фиръавн Тутанхамоннинг мўмиёланган жасади топилган. Ана шу тарихий воқеадан кўп ўтмай экспедиция раҳбари Лорд Карнарвон пашша чақиши туфайли қони бузилиб, оғир азоблар билан вафот этади. Унинг ўлимидан кейин Тутанхамон қарғиши ҳақида гапирила бошланган.

Археолог Говард Картернинг ёзишича, қазилмаларда йигирма беш киши иштирок этган ва улардан ўн бир нафари ичкарига кирмаган. Австралиялик олим Марк Нелсон ана шу одамларнинг тақдирини ўрганган. Унинг аниқлашича, қазишмаларда иштирок этиб, сағана тушган одамларнинг умри ичкарига кирмаганларникидан қисқароқ бўлган. Бироқ ҳеч қандай ғайритабиий ҳодиса рўй бергани йўқ, улар ўз ажаллари билан ўлишди, дейди М.Нелсон. Олим аслида Тутанхамон қарғиши деган ҳодиса йўқ, дея эътироф этади.

---

## ЙИГИТЛИКДА ЙИҒ ИЛМНИ...

*Муносабат*

— Келинг, синглим, сизбопидан бор, чет элники....

Қиз ўзига гапираётган ёшгина йигитга, унинг қўлидаги матоҳга бир қаради-ю, уялиб нари кетди. Аёллар ички кийими савдоси билан шуғулланаётган бу йигитнинг овози таниш туюлиб, яқинроқ бордим. У қўшни университетда ўқийдиган собиқ синфдошим эди. Ҳол-аҳвол сўраган бўлдим.

— Бир-икки сени қидириб ўқиш жойингга боргандим, луғат китобинг керак эди. Ҳатто сени ўқимаяпсанми деб, хавотирландим.

— Ҳа, бир нави, сессияга бориб имтиҳон топширсам бўлди-да, унгача пул йиғиб олиш керак. Ҳар замонда бир кўриниб турибман. Одам дунёга бир марта келади. Юраманми, 4-5 сўм стипендияга қараб. Қизлар, кино, зиёфатлар дегандай...

— Ахир, ота-онанг ўғлим шаҳарда ўқияпти деб, ҳар ойда пул жўнатишяпти-ку.

— Э, манга қара, насиҳат қилгани келганмисан, даврни суриб олиш керак, билдингми, «3»ми, «4»ми баҳо билан имтиҳонлардан ўтиб, диплом олсак бўлди-да. Ўзингга қарасанг-чи, эгнингдаги кўйлагинг сарғайиб кетибди-ку, ўқимишли! Ҳатто, китоб олиб ўқиёлмайсан, шуми ўқиш.

Ўйланиб қолдим. Бу фақат биргина дўстимнинг сўзлари эмасди. Шундай фикрлайдиган талабалар оз эмас. Ҳукуматимиз иқтидорли, салоҳиятли кадрлар тайёрлаш учун бор имкониятини ишга солаётган бир пайтда биз ёшларнинг аксарият қисми ўз вазифамизга бўлган масъулият ҳиссини англамаяпмиз. Аждодларимиз игна билан қудуқ қазимоқдек мушкул иш — илм олмоқ учун очликни-да, қашшоқликни-да, дарбадарлик ва мусофирликни-да енгган.

Тўғри, меҳнат айб эмас, аммо бизга умид кўзи билан қараб турган давлатимиз келажаги учун улушимиз биринчи навбатда ўқиш эмасми? Бугун номигагина «ўқиб», енгил-елпи йўллар билан топган пулига вақтичоғлик қилаётган, қимматбаҳо кийимлар кияётган, асосий вақти кинотеатрлару қаҳвахоналарда ўтаётган талаба эртага она юрт истиқболига ҳисса қўша оладими?

Тўғри, етишмовчилик юзасидан ҳам ўқиб, ҳам ишлаётганлар оз эмас. Бироқ, бу деганни ўқишдан йироқлашиб кетиш, қайсидир қора кун учун диплом олиб қўйиш билан иш битмайди. Ўз билимига эмас, чўнтагига таяниб ўрганган инсон нимани қойиллата оларди. Яхши яшашга ҳамманинг ҳам ҳақи бор дейсизми? Айтинг-чи, устингиз ҳашамдор либослар билан бут бўлса-ю, шууринггизда илм хазинаси бўлмаса, чиройли қўғирчоқдан фарқингиз қолмайди-ку! Қўғирчоқ эрмакка ярайди, холос.

**Элдорбек АКРАМОВ,**
**талаба**

---

## «МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ»

*Доимий ҳамроҳ*

Хоразмда ташкил топган Маъмун академияси Хоразм элининггина эмас, балки бутун Турон халқининг, қолаверса, умумбашариятнинг фахри ҳисобланади. Бу академия юртимизда IX-XI асрларда юз берган уйғонишнинг меваларидан бири эди.

Яқинда Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти томонидан чоп этилган ёзувчи Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг «Маъмун академияси» рисоласида Президентимизнинг «Хоразм Маъмун академиясини қайта ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони, Хива шаҳрининг 2500 йиллигида сўзлаган нутқи ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қароридан келиб чиқиб, Маъмун академияси тарихи ва бугунги кундаги асосий илмий ва ташкилий вазифалари ҳақида тўлароқ маълумот беришга ҳаракат қилинган. Шунингдек, рисолада Хоразм Маъмун академияси таркибидаги тарих, археология, фалсафа, тил ва адабиёт, биология йўналишлари ҳақида ҳам қисқача сўз юритилган.



Маъмун академиясининг тузилиши ва унинг фаолиятида асосий ўринни тутган буюк алломаларимизнинг хизматлари, хусусан, Хоразмий бошчилигида олиб борилган сафарлар тўғрисида ҳам рисолада анчагина маълумотлар берилган. Рисола муҳаррирлари Қ.Аъзамов ва С.Олим.

---

## ШАРБАТ ШИФОСИ

**Узоқ йиллар ёшлик ва саломатликни бой бермай яшаш учун турли мева ва сабзавотлар, кўкатлар шарбатини имкон қадар тез-тез ичиб турмоқ керак. Бундай шарбатларнинг янги ва сархил неъматлардан олинишида ҳам гап кўп. Шарбатлар фақат чанқоқни қондириб қолмай, кўпгина хасталиклардан фориғ бўлишда ҳам ёрдам беради.**

**Апелсин шарбати** С витаминига бой бўлганлиги сабабли йилнинг совуқ ойларида шамоллаш ва витаминлар етишмаслигининг олдини олишда бебаҳо неъмат ҳисобланади. У чарчоқни олиб, кишини бардам тутади, қон томирларини мустаҳкамлайди. Шифокорлар апелсин шарбатини юрак ва қон-томир, жигар хасталиклари, қон босимининг ошишида тавсия этади.

Ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яралари, ичак хасталиклари, гастрит ва сафро зардоби ошганда уни ичишдан тийилган маъқул.

**Ананас шарбати** бромелайн деб аталувчи ноёб табиий моддага бой бўлиб, у ортиқча ёғларни парчалашда бетакрор хусусиятга эгадир. Шунинг учун ҳам уни организмни яшартириш, семириб кетиш ва барвақт қаришнинг олдини олиш учун истеъмол қилиш фойдали. Юрак ва қон-томир, шунингдек буйрак хасталиклари, томоқ ангинасида ҳам унинг нафи катта.

**Брусника меваси** таркибида витаминлар унчалик кўп бўлмаса-да, қатор органик кислоталарга бойлиги билан ноёб шифобахш неъмат ҳисобланади. Масалан, олма, лимон, бензой кислоталари ва бошқа минерал моддалар унинг қимматини оширади. Брусника мевалари шарбати иштаҳани очади, кислоталилик даражаси кам бўлган ошқозон яраси, подагра, бод, енгилроқ қон босимида тавсия этилади. Унинг шарбати қандли диабет, балғам кўчириш ва бошқа шамоллаш хасталикларини ҳам яхши даволайди.

Ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яраларида тавсия этилмайди.

**Картошка шарбати** кислоталиги ошган ҳолдаги ошқозон яраси ва қабзиятда фойдалидир. У ошқозон ости безининг хасталанишини тўхтатиб, яраларнинг битишига кўмаклашади. Қон босимини туширишда ҳам қўл келганлиги сабабли гипертония хасталигида тавсия этилади. Картошка шарбатидан организмни тозаловчи модда сифатида ҳам фойдаланиш мумкин. Уни айниқса селдер ва сабзи шарбатлари билан қўшиб-аралаштириб ичишнинг нафи кўп.

Ошқозон-ичак йўли хасталикларида **қовоқча** (кабачки) **шарбати**ни ичиш фойдалидир. У ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак шиллиқ қаватига майин таъсир этиш хусусиятига эга. Жигар ва буйрак хасталикларидан азият чекувчилар қовоқча шарбатини албатта ўзининг кунлик озиқ моддалари таркибига қўшишлари зарур.

Унинг таркибида калий ва мис моддаси кўп. Шу жиҳатдан у камқонлик, қон босими, асаб ва юрак оғриқларида қимматли шифобахш неъмат ҳисобланади.

**Карам шарбати** ниҳоятда самарали тозаловчи таъсирга эга. Сабзи шарбати билан қўшилганда у қувватни оширади. Шамоллашга, айниқса милклар инфекциясига қарши шифоли неъматдир. Карам шарбати ўсмаларни даволаш ва қабзиятда ҳам қўл келади.

**Йўнғичка** хлорофилга айниқса бой ўсимлик. Унинг шарбатидан фойдаланиш одамнинг кучига куч қўшиб, саломатлигини мустаҳкамлайди. Хлорофил аъзои баданимизга тўқималарни тикловчи ва янгиловчи модда сифатида ниҳоятда зарур. Хлорофил нафас йўллари хасталикларида ҳам ижобий таъсирга эга. Йўнғичка шарбати иммунитетнинг барқарорлигини оширади, кўплаб инфекцияларнинг юқишидан асрайди.

**Сабзида** каротин моддаси ва витаминлар жуда кўп. Кальций, фосфор ва темирга бойлигига кўра уни ёшлик эликсирига қиёслаш мумкин. Иштаҳани очиб, овқат ҳазм бўлишини яхшилайди, тишларни мустаҳкамлайди. Юқумли хасталикларга қарши ҳимоя кучимизни оширади. Организмнинг ҳаётий тонусларини ошириш, одамни бардам ва тетик тутишда унга тенг келадигани йўқ. Шунингдек, сабзи шарбати кўз қувватини оширишда ҳам айниқса самаралидир.

**Бодринг** таркибида калий моддасининг кўплиги қон босимининг озлигида ҳам, кўплигида ҳам ниҳоятда шифоли таъсир кўрсатади. Тиш ва милкларнинг ҳолати ёмонлашганда, кўпгина тери касалликларида ҳам бодринг шарбати наф беради.

**Лавлаги шарбати** ажойиб тозалаш хусусиятларига эга. 1-1,5 стакандан кунига икки маҳал ичиб туриш кифоя. Бироқ уни дастлаб сабзи шарбатини қўшиб ичишдан бошламоқ керак. Аста-секин лавлаги шарбати нисбатини ошириб бориш мумкин.

**Қорағат шарбати** дармонсизланиб қолган, айниқса жарроҳлик амалиётидан ўтганлар соғлиғини тез тиклашда қўл келади. У қувватни оширувчи, тер чиқарувчи ва шамоллаш асоратларидан фориғ этувчи шифобахш неъматдир. Қорағат шарбати инсулин ўрнини босувчи восита бўлганидан у диабет хасталикларида ҳам фойдали таъсир кўрсатади.

**Помидор шарбатида** аскорбин кислотаси, темир ви каротин кўп. У тўйимли бўлиш билан бирга калорияси паст неъмат ҳисобланади. Помидор шарбатида бириктирувчи тўқималар айтарли даражада йўқ. Шунинг учун ҳам овқат ҳазми билан боғлиқ хасталикларда фойдалидир. Ҳомиладор ва бола эмизувчи аёллар учун эса айниқса шифобахш ҳисобланади.

**Қовоқ шарбати** буйрак ва жигар хасталиклари, уйқусизлик, модда алмашинуви бузилиши, семириб кетиш, қандли диабет, буйрак ва қовуқда тош ҳосил бўлиш каби кўплаб хасталикларни даволашда ниҳоятда фойдалидир. Простата бези яллиғланишидан азият чекувчи эркакларга халқ табобати 2-3 ҳафта мобайнида ҳар куни бир стакандан қовоқ шарбати ичишни тавсия этади.

**Олма шарбати** нафас йўллари ва ўпканинг бошқа хасталикларини даволаш, шунингдек ашаддий чекувчилар учун фойдалидир. Ҳар куни 1,5 стакан олма шарбатини ичган кишининг нафас олиш аъзолари иши сезиларли равишда яхшиланади. Унинг таркибида темир моддаси кўплиги учун ҳам камқонликда қўл келади. Буйрак тошларини парчалашда мўъжизавий таъсирга эга. Олма шарбати организмни ҳар хил чиқиндилардан тозалаб, халос этади.



---

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси факултети жамоаси профессор Қозоқбой Йўлдошевга опаси

**Қизларгул АНОРҚУЛОВА**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* * *

*НОШИР: "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ*

*ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ*

**O'zbekiston adabiyoti va san'ati**

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибият — 136-56-50

*Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 133-49-93 Ижтимоий ҳаёт бўлими: 136-58-55*
*Санъат бўлими: 136-56-48 Назм ва наср бўлими: 136-56-48*

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

*Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*

Навбатчи муҳаррир Гулчеҳра УМАРОВА
Саҳифаловчилар — Байрамали МУҚИМОВ, Нодир МАМАНОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 21.00.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 058-рақам билан рўйхатга олинган. А — 4100. Буюртма Г — 351. Ҳажми — 5 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН